Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat`iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir

# XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | 2015-yil 5-noyabr, payshanba, **44 (624)-son** | e-mail: **xxi_asr@umail.uz,** web sayt: **www.21asr.uz**

# ФОРУМ ИШТИРОКЧИЛАРИ ИСТИҚБОЛЛИ КОРХОНАЛАР БИЛАН ТАНИШДИ

**Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган Халқаро инвестициявий форум иштирокчилари 4 ноябрь куни Фарғона ва Хоразм вилоятларида бўлиб, инвестиция киритиш таклиф этилаётган корхоналар фаолияти билан танишди, мамлакатимиздаги қулай сармоявий муҳит, иқтисодий ва молиявий имкониятлар ҳақида маълумотга эга бўлди.**

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели» асосида мамлакатимиз иқтисодиёти изчил ривожланиб бормоқда. Иқтисодиётда давлат иштироки камайиб, хусусий сектор салмоғи ошмоқда. Ривожланган давлатлар, нуфузли молия муассасалари мамлакатимиз билан ҳамкорликка интилмоқда. Бугунги кунда юртимизда 90 дан ортиқ давлатнинг хорижий инвесторлари иштирокида ташкил этилган 4 мингдан зиёд корхона муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Президентимизнинг 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, шу йил 28 апрелдаги «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар хорижий инвестицияларни жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга янада кенг йўл очди.

Бу ислоҳотлар самараси **Фарғона вилоятида** ҳам ўз ифодасини топмоқда. Вилоятдаги 150 дан ортиқ корхонага хорижий инвестициялар жалб этилган. Жорий йилнинг ўтган даврида ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, янги қувватларни ишга тушириш мақсадида 38 миллион 584 минг долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар йўналтирилган, вилоятдаги корхоналар 182 миллион доллардан ортиқ қийматдаги маҳсулот экспорт қилган.

Форум иштирокчилари «Фарғонаазот» очиқ акциядорлик жамиятида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган ишлар билан танишди. «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти таркибидаги мазкур йирик корхона ўз маҳсулотларини ўнлаб мамлакатларга экспорт қилмоқда.

Корхонада қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Франция билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришни автоматик бошқарувчи ягона агрегат тизими ишга туширилган бўлса, чехиялик ҳамкорлар билан аммиакли селитра ва суюқ азот ишлаб чиқариш цехи қурилди. Шу билан бирга, мебель елими, истеъмол содаси, полиэтилен қоплар каби халқ истеъмоли товарлари ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

– Замонавий технологиялар ёрдамида ишлаб чиқарилаётган жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулотлар юртингизнинг иқтисодий салоҳияти юқори эканидан далолатдир, – дейди «Key Pee Exports» компанияси ижрочи директори Чоудхуари Сингх (Ҳиндистон). – Фарғона сафарида бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Корхонамиз экспорт-импорт билан шуғулланади. Жорий йилда «Фарғонаазот» акциядорлик жамияти Ҳиндистонга беш минг тонна маҳсулот экспорт қилди. Биз форум доирасида Ўзбекистондан янги маҳсулотлар сотиб олиш бўйича шартнома имзолаш ниятидамиз.

Қувасой шаҳридаги «Кварц» акциядорлик жамияти қурилиш саноати тармоқларига, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган енгил автомашиналар, автобус ва тракторларга юқори сифатли ойна ҳамда шиша маҳсулотлари етказиб беради. Олиб борилган кенг кўламли модернизация ишларидан сўнг ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, маҳсулот тури 150 тага етди. Айни пайтда корхонада икки мингдан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда.

– Корхонанинг металлни қайта ишлаш цехида шиша идишлар учун турли кўринишдаги қолиплар бизда қизиқиш уйғотди, – дейди Германия ривожланиш банкининг минтақавий директори Томас Эдгар Лемонн. – Ўзбекистон иқтисодиёти инвестиция киритиш учун жуда истиқболли. Бу борадаги имтиёзлар билан яқиндан танишдик. Президент Ислом Каримовнинг акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармонига мувофиқ хорижий мутахассисларнинг корхоналарда бошқарув ходими сифатида фаолият юритиб, олган фойдасидан даромад солиғи, тўлов манбаидан олинадиган даромад солиғи, пенсия жамғармасига тўланадиган мажбурий суғурта бадалларидан озод этилгани бизга маъқул келди.

«Фарғона ёғ-мой» акциядорлик жамияти ҳам вилоятда салоҳиятли корхоналардан бири. Бу ерда ўсимлик ёғидан тортиб, майонез, совун, чорва учун шрот, шелуха каби турли маҳсулотлар тайёрланмоқда. Келгусида 10 миллион 850 минг доллар миқдорида инвестиция жалб этиш режалаштирилмоқда.

– Фарғона вилояти ҳаёти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдик, – дейди Жанубий Кореянинг КСС компанияси бош менежери Ким Жу Хюн. – Тадбиркорлар билан суҳбатлашганимизда, улар жорий йилда ғалла ва пахта, мева-сабзавот ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштирилгани, шу боис бозорларда тўкинлик, арзончилик эканини айтишди. Бунга ҳар қандай одамнинг ҳаваси келади. Бу Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонни изчил тараққий эттириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараларидир. Бундай мамлакатга инвестиция киритиш шарт ва зарур, деб ўйлайман. Шу боис биз «Кварц» акциядорлик жамияти билан шартнома тузиш борасида музокара олиб бормоқдамиз.

«Қўқон механика заводи» акциядорлик жамиятида нефть-газ саноати учун ишлаб чиқарилаётган элликдан ортиқ турдаги ускуналар ва эҳтиёт қисмлар хорижлик меҳмонлар эътиборини тортди. Италия, АҚШ ва Германияда ишлаб чиқарилган технологиялар билан жиҳозланган корхонада ишлаб чиқариш ҳажми 1999 йилга нисбатан қарийб 40 баробарга ошган.

**Хоразм вилоятида** жорий йилнинг 9 ойида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 337 миллиард сўмлик 1 минг 258 лойиҳа амалга оширилди. Мингдан ортиқ янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди, соҳага тижорат банклари томонидан 390,2 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди.

Халқаро анжуман иштирокчилари Урганч шаҳридаги «Урганч ёғ-мой» акциядорлик жамияти, «Урганч экскаватор» акциядорлик жамияти ва унинг қошидаги «UzXCMG» Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонасида бўлиб, озиқ-овқат саноати ва машинасозлик соҳаларида эришилаётган ютуқлар билан танишди.

«Урганч ёғ-мой» акциядорлик жамиятида мингдан зиёд ишчи меҳнат қилади. Корхонада турли ёғ-мой маҳсулотлари, ширинликлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Жорий йилнинг тўққиз ойида бу ерда 8 минг 667 тоннадан ортиқ ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, 630 тонна хўжалик совуни экспорт қилинди.

– Форум иштирокчилари учун уюштирилган бизнес-учрашувлар, қатор корхоналар фаолияти билан танишув мамлакатингиз иқтисодий салоҳияти ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиш имконини бермоқда, – дейди Испаниянинг «Flores Valles» компанияси минтақавий менежери Виллиам Музи. – Мамлакатингиздаги иқтисодий эркинлик ва қулай инвестиция муҳити хорижликларнинг қизиқишини оширмоқда. Ўзбекистон ишбилармонлари билан турли соҳаларда ишлатиладиган лаборатория техникаси, хусусан, озиқ-овқат саноати соҳасида фойдаланиладиган жиҳоз ва технологияларни ишлаб чиқариш ва бундай маҳсулотларни етказиб бериш борасида яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш ниятидамиз.

Чет эл инвесторларининг мамлакатимизга сармоя киритишга қизиқиши ошмоқда. Буни мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳаларидаги қатор сармоявий лойиҳаларда фаол иштирок этаётган хориж компаниялари мисолида ҳам кўриш мумкин. «Урганч экскаватор» акциядорлик жамияти қошидаги «UzXCMG» Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонаси ана шундай муассасалардан.

Президентимизнинг 2012 йил 22 ноябрдаги «2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноати салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори асосида ташкил қилинган мазкур корхонада гидравлик экскаваторлар ва бошқа турдаги қурилиш ускуналари ишлаб чиқарилади, техникаларга хизмат кўрсатилади.

Хитойнинг «Xuzhou Construction Machinery Group» корпорацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган «UzXCMG» қўшма корхонаси томонидан жорий йилда 135 экскаватор ва 62 бульдозер ишлаб чиқарилди.

– Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури кўпайиб, сифати ошиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим, – дейди АҚШнинг «CitiBank» банки вакили Жэсон Зулло. – Ўзбекистонда мавжуд иқтисодий ва сиёсий барқарорлик, тинчлик ва осойишталик хорижликлар ҳавасини тортмоқда.

– Ўзбекистон иқтисодиёти изчил ривожланмоқда, – дейди Туркиянинг «Citigroup» компанияси вице-президенти Илҳан Меркон. – Компаниямиз Ўзбекистоннинг қатор банклари билан бир неча йилдан буён самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзаро ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш учун катта имкониятлар мавжуд.

Меҳмонлар вилоятда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари билан танишди, Хива шаҳрининг қадимий ёдгорликларини қизиқиш билан томоша қилди.

**Сайёра ШОЕВА, Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ, Нодира МАНЗУРОВА, Аҳмаджон ШОКИРОВ, ЎзА махсус мухбирлари.**







Солиҳ ЗОИР олган суратлар

# ФРАКЦИЯ ПОЗИЦИЯСИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНДИ

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси йиғилишида «2016 йилги солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари» лойиҳаси муҳокама қилинди**

Фракция раҳбари Содиқжон Турдиев бошқарган йиғилишда дастлаб янги йилга мўлжалланган Бюджетнома бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси мутасаддиларининг ахборотлари тингланди.

Маърузачилар алоҳида таъкидлаганидек, кун тартибига киритилган мазкур ҳужжат Президентимиз томонидан белгилаб берилган ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишлари асосида ишлаб чиқилган. Унинг танқидий таҳлил ва мунозаралар тарзидаги муҳокамаларида соҳанинг етакчи мутахассислари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари бевосита иштирок этишди.

O`zLiDeP фракциясининг партия Сайловолди платформасидаги устувор йўналишларга таянган ҳолда мамлакатнинг бош молиявий ҳужжати лойиҳасига катта аҳамият қаратаётгани бежиз эмас, албатта. Зеро, парламентнинг ижроия ҳокимияти фаолияти устидан назорат механизмидан қанчалик самарали фойдаланиши, энг аввало, шундай ёндашувнинг нечоғли таъсирчанлиги нуқтаи назаридан баҳоланади.

Йиғилишда сўз олган депутатлар ўтган йиллар давомида Давлат бюджети профицит билан бажарилаётгани изчил ислоҳотлар муваффақиятининг амалдаги намоёни эканини эътироф этишди. Қолаверса, иқтисодиётда солиқ юкининг камайиши жараёнида давлат бюджетининг даромадларида барқарорлик таъминланиши баробарида харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлиги тамойили сақлаб қолинмоқда.

— Давлат бюджети лойиҳаси билан танишиш чоғида қуйидаги рақамлар эътиборни тортади, — дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Раҳимжон Ҳакимов. — У ҳам бўлса, келгуси йилда ялпи ички маҳсулотнинг 7,8 фоиз, саноат ишлаб чиқаришининг 8,2 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 6,1 фоиз, капитал қўйилмалар ҳажмининг 9,6 фоизга ўсишини таъминлаш назарда тутилаётганидир.

Микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 25 фоиздан 15 фоизга пасайтирилиши ҳамда мазкур соҳага мансуб бўлган хизмат кўрсатувчи корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасини 6 фоиздан 5 фоизгача туширилиши ушбу корхоналар ихтиёрида 58,4 миллиард сўм миқдорида маблағ қолдириш имконини беради.

2

# Иккинчи ўқишда маъқулланди

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда янги таҳрирдаги Божхона кодексининг лойиҳаси иккинчи ўқишда атрофлича кўриб чиқилди.**

Қизғин баҳс-мунозаралар тарзида кечган муҳокамада мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ғовларни бартараф этиш борасида амалга оширилаётган ишлар тилга олинди. Депутатларнинг таъкидлашича, биргина сўнгги уч йил давомида хусусий мулк ҳуқуқини мустаҳкамлаш ва уни ҳимоя қилиш, ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш шароитларини янада яхшилашга қаратилган йигирмага яқин қонун ва бир қатор қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилмоқда.

2

# Қулай бизнес муҳитини шакллантириш – мамлакат иқтисодий қудрати юксалишининг гарови

**— Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, хусусан, иқтисодиётимиз рақобатдошлигини оширишнинг асосий шарти бўлган қулай ишбилармонлик ва инвестицион муҳитни шакллантириш, хусусий мулкни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларга барҳам бериш, иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ролини ошириш борасидаги тизимли ишлар самарали натижалар бермоқда, — дейди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Дилшод Шоумаров.**

2


## БУГУНГИ СОНДА:



**МУНОСАБАТ**
Кузатиш ва баҳолашда давом этамиз
3



**НУҚТАИ НАЗАР**
Интеллектуал бойлик — бебаҳо хазина
4



**ТАҚҚОС ВА ТАҲЛИЛ**
Бунёдкорлик манзиллари: Янги Беруний
6



**ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ**
Инновацион суғурта маркази
7


**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти**
**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 3 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)**
**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1921,37 | 1 АҚШ доллари | 2692,13 | 1 Хитой юани | 424,90 | 1 Польша злотийси | 699,36 | 1 ЕВРО | 2973,13 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 4153,69 | 1 Миср фунти | 335,26 | 1 Россия рубли | 41,82 | 1 СДР | 3760,56 | 10 Жанубий Корея вони | 23,63 |
| 1 Дания кронаси | 398,16 | 1 Исландия кронаси | 21,02 | 1 Украина гривнаси | 117,08 | 1 Туркия лираси | 947,53 | 10 Япония иенаси | 223,73 |
| 1 БАА дирҳами | 732,97 | 1 Канада доллари | 2059,94 | 1 Малайзия ринггити | 627,54 | 1 Швейцария франки | 2727,59 | | |

# ПАРЛАМЕНТДА

## ФРАКЦИЯ ПОЗИЦИЯСИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНДИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Бу эса айланма маблағларни тўлдириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва технологик қайта жиҳозлашни амалга ошириш, шунингдек, ходимларни рағбатлантириш учун қўшимча манба бўлиб хизмат қилади.

O`zLiDeP томонидан бош молиявий ҳужжатнинг яна бир ижобий жиҳати сифатида шу нарса таъкидландики, 2016 йилга мўлжалланган солиқ сиёсати аввалги йиллардаги каби хўжалик субъектлари ва аҳоли учун солиқ юкини янада камайтириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлаш ва солиқ маъмурчилиги чора-тадбирларини кучайтиришга йўналтирилган.

— Партиямиз қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги, чорва маҳсулдорлигини ошириш, қишлоқ жойларда қайта ишлаш саноатини жадал ривожлантиришга алоҳида аҳамият беради, — дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Илҳом Носиров. — Бу эса ички бозорни маҳсулотлар билан тўлдириш, аграр секторнинг экспорт салоҳияти ўсишига хизмат қилади, қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва даромадларининг ошишига олиб келади. Шу маънода Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг 2016 йилги харажатлари мақсадли параметрларга мувофиқ амалга оширилиши кўзда тутилаётгани диққатга сазовор. Унга кўра, режали тадбирлар учун 422 миллиард сўм маблағ йўналтириш натижасида 282 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланишига эришилади, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлиги ўсиб, фермер хўжаликларининг, яъни электоратимизнинг даромадлари янада ошади.

Давлат бюджетида унумдорлиги паст ерларда пахта хомашёси етиштирувчи фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш харажатларини 2016 йилда жорий йилга нисбатан 22,8 миллиард сўмга ошириш кўзда тутилган бўлиб, бу ноқулай табиий шароитларда пахта хомашёси етиштирувчи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга моддий ёрдам кўрсатиш имконини беради.

Умуман олганда, 2016 йилги Давлат бюджетида кўзга тутилган чора-тадбирлар O`zLiDePнинг қулай ишбилармонлик муҳитини янада ривожлантириш жараёнларига кўмаклашишга қаратилган сиёсатига тўла мос келади. Зеро, 2016-2019 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар доирасида хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари учун солиқ юкини сезиларли даражада камайтиради.

Йиғилишда ёшлар, биринчи навбатда, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди. O`zLiDeP аъзоларининг фикрича, Давлат бюджетида ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишни рағбатлантиришга янада кўпроқ эътибор қаратилиши лозим.

Шунингдек, «Хусусий мулк — дахлсиз» тамойилининг муҳимлигидан келиб чиқиб, фойдаланилмаётган ва қурилиши тугалланмаган давлат мулки объектларини Давлат бюджети доирасида хусусийлаштиришнинг давом эттирилиши аҳамиятли экани эътироф этилди. 2016 йилги Давлат бюджети иш ҳақларини изчил ошириб бориш, аҳолининг реал даромадлари ўсишини таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш орқали халқ фаровонлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олганлиги фракциянинг принципиал позицияси сифатида алоҳида таъкидланди.

Муҳокамалар чоғида билдириган фикрлардан келиб чиққан ҳолда кун тартибидаги масала бўйича O`zLiDeP фракциясининг тегишли қарори қабул қилинди.

## Иккинчи ўқишда маъқулланди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

**Акбар МУЗАФФАРОВ,** «XXI asr»

— Моддама-модда муҳокама қилинаётган янги таҳрирдаги Божхона кодекси лойиҳаси ҳам юқорида қайд этилган кенг кўламли ишларнинг мантиқий давомидир, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси Ойбек Эгамов. — Хусусан, унда божхона расмийлаштирувини амалга ошириш учун божхона органларига тақдим этиладиган ҳужжатлар сонини қисқартириш кўзда тутилаётир. Бу эса экспорт товарлари божхона расмийлаштирувини соддалаштиради. Бундан ташқари, божхона расмийлаштируви учун ҳужжатларнинг «бир дарча» усулида тақдим этилиши бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, энг муҳими, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари бўлган тадбиркорларнинг вақт ва маблағини тежашга хизмат қилади. Мазкур тамойилни жорий этиш орқали ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси томонидан божхона соҳасига оид рухсатнома олиш учун ваколатли органларга тақдим этиладиган ҳужжатлар сонини минималлаштириш назарда тутилган.

Бир сўз билан айтганда, янги таҳрирдаги кодекс лойиҳаси мамлакатимиз ҳудудида самарали божхона назоратини таъминлаш, товар айланмасини тартибга солиш, ташқи савдони ривожлантириш ҳамда ички бозорни сифатсиз ва контрафакт маҳсулотлардан ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этади.

Масалага электорат манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашган O`zLiDeP фракцияси аъзолари мазкур кодекснинг кучга кириши мамлакатимизда бизнесни ривожлантириш ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасида тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериши, экспорт салоҳиятини янада ошириш ва хорижий инвесторларни кенг жалб этиш имкониятларини кенгайтиришини қайд этдилар. Зеро, O`zLiDeP ташқи иқтисодий фаолият соҳасида халқаро иқтисодий интеграциялашув ва жаҳон бозорларида маҳаллий маҳсулотлар улушини кенгайтириш учун мақбул шароитларни яратишга интилади. Бунинг учун эса самарали божхона сиёсатини олиб бориш муҳим аҳамиятга эгадир.

Йиғилиш якунида фракция аъзолари янги таҳрирдаги Божхона кодексини иккинчи ўқишда маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилдилар.

↘ҚЎМИТА МУҲОКАМАСИ:

## Янги нормаларнинг моҳияти ва аҳамияти

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида долзарб мавзудаги конференцияларнинг навбатдагиси ўтказилди. O`zLiDeP фракцияси масъуллигидаги Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган анжуман 2015 йилнинг 20 августида кучга кирган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги янги қонун нормаларининг моҳияти ва аҳамиятига бағишланди.**



Мазкур муҳокамага парламент қуйи палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари аъзолари, шунингдек, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси вакиллари, кўплаб тадбиркорлар ҳамда журналистлар таклиф этилди.

Ташкилотчи қўмита раиси, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Дониёр Абдуқодиров анжуман аввалида иштирокчилар эътиборини давлатимиз раҳбарининг қуйидаги фикрига қаратди: Олий Мажлис палаталарининг қонунчилик фаолиятини тартибга соладиган ҳуқуқий ҳужжатларда қонунларни ижрочиларга етказиш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш ва амалга ошириш самарадорлигини албатта ўрганиш, шу асосда парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастурларига зудлик билан тузатишлар киритишни кўзда тутадиган меъёрий-ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлаш бугунги кунда долзарб вазифага айланиши даркор.

Конференцияда қайд этилганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ривожи йўлидаги бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги фармони билан тасдиқланган Дастурни амалга ошириш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги янги қонун қабул қилинди.

— Ушбу ҳуқуқий ҳужжат хусусий мулк ҳимоясини мутлақо янги босқичга кўтаради, — дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Абдуқодир Тошқулов. — Зеро, унда кун тартибидаги масала моҳиятига нисбатан комплекс ёндашув шакллантирилган. Яъни, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг шундай механизми назарда тутилганки, у нафақат шерик сифатида давлатга бўлган ишончнинг ошиши, балки бизнеснинг ривожи йўлида янги омил бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари, маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш орқали хусусий мулк ҳуқуқи кафолатлари янада кучайтирилган. Рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш тартиб-таомиллари, шу жумладан, ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ бундай жараёнлар соддалаштирилган, тадбиркорлик субъектларининг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилган. Бу эса давлат томонидан тадбиркорлар учун яратилаётган имкониятлар, имтиёзу преференциялар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг барча шакллари ривожланишида муҳим омил бўлишидан далолат беради.

Конференция ўз ишини шўъбаларга бўлиниб давом эттирди. Хусусан, биринчи шўъба қатнашчилари мазкур қонуннинг моҳияти ва аҳамиятини аҳоли, энг аввало, тадбиркорларга етказишда давлат органларининг фаолиятини кучайтириш масалаларини муҳокама қилишди. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, уларнинг қонуний фаолиятига аралашмаслик кафолатларини таъминлашда ҳуқуқ-тартибот органларининг ўрни ҳақида ўзаро фикр алмашишди.

Ўз навбатида, иккинчи шўъба иштирокчилари тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларининг янада такомиллашуви ҳақида ахборотни аҳолига етказиш механизмларига алоҳида эътибор қаратишди.

Конференция якунлари бўйича янги қонуннинг қоида ва талабларини ижро этишни яхшилаш, шунингдек, хусусий мулк, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилиш, уларнинг жадал ривожланиши йўлидаги тўсиқларни олиб ташлашда давлат органлари фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

## Қулай бизнес муҳитини шакллантириш – мамлакат иқтисодий қудрати юксалишининг гарови

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼



Маълумки, давлатимиз раҳбарининг кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш борасидаги фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш натижасида кичик бизнес субъектлари сони 21,4 мингтадан ошди. Тадбиркорларга давлат мулки бўлган 17,8 мингта фойдаланилмаётган объект ижарага берилди, уларга ажратилган кредитлар ҳажми 9,6 трлн. сўмдан ошди. Микрокредитлар ҳажми эса 1,3 баробардан зиёдга ўсди. Шу ўринда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган кредитлар миқдори 985,4 млрд. сўмдан ошгани, ёшларни, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка кенг жалб этиш, уларнинг бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга 228,2 млрд. сўм йўналтирилиб, ушбу кўрсатикичлар ўртача 1,4 баробарга ошганини қайд этиш жоиз.

Буни Жаҳон банкининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш шароитлари бўйича навбатдаги «Бизнесни юритиш-2016» йиллик маърузасида келтирилган рақамлар ҳам яққол кўрсатиб турибди. Унга кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йилларда бизнес юритиш ва соҳада ислоҳотлар ўтказиш бўйича энг юқори кўрсаткичларга эга бўлган ўнта мамлакат қаторига киритилгани, унинг рейтинги умумий кўрсаткичда 16 поғонага ошиб, яъни 103-ўриндан 87-ўринга кўтарилгани қайд этилган.

Ушбу кўрсаткичлар, хусусан, иқтисодиёт, банк-молия тизимидаги ислоҳотлар туфайли кредитлар олишда — 63, хусусий мулкни қайд этиш борасида – 26, корхоналарни рўйхатга олишда – 22, солиқ солиш ҳолати бўйича – 2 поғонага кўтарилгани, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизда хусусий секторнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани натижасидир.

Бундай рақамлар ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги реал воқеликни акс эттирмоқда, албатта.

Шу ўринда экспертлар маълумотига кўра, мамлакатимиз банкларининг барқарорлиги, уларнинг ресурс базасини кўпайтириш борасида амалга оширилаётган тизимли ишлар натижасида жорий йилнинг 9 ойида 2014 йилнинг шу даврига қараганда тижорат банкларининг жами депозитлари миқдори 30,2 фоиз ўсгани, молиявий хизматлар таркибида бевосита банк хизматлари улуши 88 фоизни ташкил этиб, 1,3 баробардан зиёдга ошганини кўриш мумкин. Тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар ҳажми 39,7 трлн. сўмдан зиёдни ташкил этиб, 30,1 фоиз кўпайган бўлса, инвестиция мақсадлари учун 7,9 трлн. сўм миқдорида кредитлар ажратилган. Бу ўтган йилга нисбатан 20 фоизга ошганини англатади.

миз. Айни вақтда «Эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?» деган савол устида ўйлашимиз, нафақат ўйлашимиз, балки амалий ишларимиз билан бунга жавоб беришимиз лозим», деган фикрларидан тегишли хулосалар чиқаришимиз керак.

Чиндан ҳам тарихан қисқа бир даврда мамлакатимиз кучли иқтисодиётга эга бўлган давлатга айланди. Буни ўтган даврда иқтисодиётимиз 5,5 баробардан кўпроқ ўсганидан ҳам кўриш мумкин. Яқин ўтмишда қолоқ аграр республика саналган, иқтисодиётининг асосини пахтачилик ва пахтани қайта ишлаш корхоналари ташкил этган Ўзбекистон бугунга келиб саноати тез ривожланаётган мамлакатга айланди.

Ушбу рақамларга эътибор қаратайлик: жорий йилнинг 9 ойида мамлакатимиз енгил саноат корхоналари томонидан умумий қиймати 8,6 трлн. сўмга тенг маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Бу борадаги ўсиш ўтган

> ТАДБИРКОРЛАРНИНГ БИР ВАКИЛИ СИФАТИДА ЭСА БУГУНГИ ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР БИЗНИ ЯНАДА ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ ИЛҲОМЛАНТИРАЁТГАНИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШНИ ИСТАР ЭДИМ.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида саноат ишлаб чиқаришида, экспорт ва аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес улуши изчил ўсмоқда. Бу, албатта, янги иш ўринларининг ташкил этилиши ва охир-оқибатда аҳоли турмуш даражасининг ошишига ҳам хизмат қилаяпти. Хусусан, жорий йилнинг 9 ойида 748,7 мингта янги иш ўрни, жумладан, қишлоқ жойларда 451,6 мингта янги иш ўрни ташкил этилган бўлса, уларнинг аксарияти айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улушига тўғри келди.

Шу ўринда мустақиллик йилларида Ўзбекистон тараққиётига йўналтирилган инвестициялар ҳажми 190 млрд. АҚШ долларидан ошгани, бу маблағнинг 65 млрд.дан зиёдини хорижий инвестициялар ташкил этишини қайд этиш жоиз.

Жаҳон оммавий ахборот воситаларида ана шундай рақамлар асосида миллий моделимиз эътироф этилаётган бир пайтда давлатимиз раҳбарининг «Биз ўтган даврда амалга оширган ишларимизга баҳо берар эканмиз, кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?» деган савол асосида уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзимизда чуқур тасаввур этайилнинг шу даврига нисбатан 17,7 фоизни ташкил этди. Енгил саноатнинг умумий саноат маҳсулотларидаги ҳиссаси 13,8 фоизга тенг бўлди. Хусусан, бу соҳада ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17,2 фоиз кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Шу ўринда мустақилликкача етиштирган пахтамизнинг атиги 8-10 фоизи ўзимизда қайта ишланиб, қолгани бошқа давлатларга жўнатилганини, асосий фойда ана шу мамлакатларда қолганлигини, бугун эса мамлакатимиз ушбу соҳада хом ашё эмас, балки тайёр маҳсулотлари билан жаҳон ва минтақавий бозорларга чиқаётганлигини фахр билан тилга олиш мумкин.

Маълумки, O`zLiDeP Сайловолди платформасида Ўзбекистоннинг етакчи ва нуфузли халқаро молия институтлари томонидан белгиланадиган рейтинг кўрсаткичларини ҳамда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашнинг комплекс дастурини ишлаб чиқиш вазифаси белгилаб олинган.

Шундан келиб чиқиб, парламент ва жойлардаги вакиллик органларидаги депутатларимиз ўз ваколатларидан келиб чиқиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, шахсий ташаббусларни амалга ошириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, хусусий мулкнинг дахлсизлиги ҳақидаги конституциявий тамойилни ҳаётга изчил татбиқ этиш, иқтисодиётни бошқариш тизимини янада либераллаштириш, давлат ва назорат идораларининг тадбиркорлик субъектлари молиявий-хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашуви масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бу борада жорий йилнинг ўзида депутатларимиз томонидан 300 дан ортиқ назорат-таҳлил фаолияти амалга оширилди, 200 нафардан ортиқ мутасадди маълумоти парламент қуйи палатаси қўмиталари, жойлардаги депутатлик гуруҳлари йиғилишларида муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Жумладан, депутатларимиз бугунги кунда соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, тижорат банклари, лизинг компаниялари ва бошқа молия ташкилотлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришни кенгайтириш, уларнинг қурилиш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишини таъминлаш, ишлаб чиқараётган маҳсулотлари бўйича давлат харидларини кенгайтириш, товарлар ва тақдим этилаётган хизматлар экспортини ошириш каби долзарб масалалар ечими борасида ҳам иш олиб бормоқдалар.

Бу жараёнда минг-минглаб тадбиркор ва фермерларимиз фаол иштирок этиб, яратиб берилган қулай имконият ва имтиёзларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этяптилар. Тадбиркорларнинг бир вакили сифатида эса бугунги қулай шароитлар бизни янада янги марралар сари илҳомлантираётганини алоҳида таъкидлашни истар эдим.

Зеро, эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз ўзимизга, мавжуд имкониятлардан қай даражада оқилона фойдаланишимизга боғлиқдир. Шундай экан, партиямиз мамлакатимиздаги жараёнларда фаол иштирок этаётган, ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ мулк ва мулкий масалаларни, тадбиркорликка оид долзарб муаммоларни ҳал этиш, қонунчиликни янада такомиллаштиришга ҳисса қўшаётган сиёсий куч сифатида бундан буён ҳам ўзининг Сайловолди дастурида белгилаб олинган вазифалар ижроси учун бор имкониятларини ишга солади. Бундаги ягона мақсадимиз – эркин ва фаровон, демократик ҳаёт қуриш экан, бу биздан буюк халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан хизмат қилишни талаб этади.

# O`zLiDePнинг «Фермер аёллар» лойиҳаси

## тобора оммалашиб, нуфузи ошиб бораётганининг боиси нимада деб ўйлайсиз?



**Дилноза НОМОЗОВА,**
«XXI asr»

Партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган «Аёлларнинг фермерлик ҳаракатидаги фаол иштироки» мавзуидаги республика амалий семинари тафсилотлари билан танишсангиз, юқоридаги саволга жавоб топишингиз аниқ.

Биз тилга олган лойиҳа доирасидаги мазкур анжуманда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Содиқжон Турдиев қатнашиб, бугун республикада мавжуд фермер хўжаликларининг 57 мингтасида қўшимча ишлаб чиқариш, яъни маҳсулотларни қайта ишлаш, сервис хизматлари кўрсатиш ва бошқа йўналишлар бўйича кенг кўламли тадбирлар амалга оширилаётгани, жорий йилнинг тўққиз ойи давомида фермер ҳамда деҳқон хўжаликларини ривожлантириш ҳисобига 112,8 мингта янги иш ўрни яратилгани, бу муҳим жараёнда фермер аёлларнинг муносиб ҳиссаси борлигини мамнуният билан таъкидлади.

— Юқоридаги амалий саъй-ҳаракатлар O`zLiDeP Сайловолди дастурининг устувор йўналишларидан бири сифатида хусусий тадбиркорлик, фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қишлоқда реал мулкдорлар синфини шакллантириш асносида соҳани янада диверсификациялашга йўналтирилган, — деди у ўз сўзида. — Бунинг учун, аввало, ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини ошириш баробарида қишлоқ ҳудудларини янада ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш ҳамиша диққат-эътиборимизда бўлиши зарур.

Ҳақиқатан ҳам шундай. O`zLiDeP томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўтказиб келинаётган «Фермер аёллар» лойиҳасидан асосий мақсад ҳам юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар мазмун-моҳиятини фермер хотин-қизларга етказиш, улар етакчилигидаги кўп тармоқли фермер хўжаликларини кўпайтириш, чекка қишлоқларда янги иш ўринлари яратишдан иборат. Мазкур лойиҳа доирасида республика бўйича ҳозиргача 300 га яқин учрашув ва давра суҳбати ўтказилиб, 100 га яқин депутатлик сўрови юборилди.

— Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан аграр соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туфайли фермерлик ҳаракати кенгаймоқда, — деди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Мухлиса Акрамова. — Яқинда Президентимизнинг барча меҳнаткашларга йўллаган табрикномасида қишлоқ хўжалигида қўлга киритилаётган улкан ютуқлар алоҳида таъкидланиб, миришкорлар фаолиятига юксак баҳо берилди. Бундай эътироф барча фермерларни руҳлантириб, бундан-да улкан зафарларга қанот бўлиши шак-шубҳасиздир.

Таъкидлаш жоизки, собиқ тузум даврида ер эгаси бўлиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш мумкинлиги ҳатто тасаввурга ҳам сиғмас эди. Бугун эса юртдошларимизнинг иккисидан бири ишбилармон. Жуда бўлмаганда, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйган. Астойдил ишлайман, турмушимни фаровон қиламан, деганлар учун шарт-шароит муҳайё. Бундай имконият ташаббускор, серғайрат аёлларимизни яратувчанликка чорлаяпти. Уларнинг дил сўзларига қулоқ тутинг-а.



**Лолахон МУРОДОВА, Олтиариқ туманидаги «Нурли обод» фермер хўжалиги раҳбари:**

— Дастлаб ишни 25 гектар ерда деҳқончилик қилишдан бошлаганман. Айни пайтда 420 гектардан зиёд майдонда ҳосил етиштираяпмиз. Даромадимиз ҳисобидан 7 та турли русумдаги трактор, 20 дан ортиқ ерга ишлов берадиган мослама харид қилдик.

Хўжалигимиздаги 141 нафар ишчи бугунги турмушидан мамнун. Камтарона меҳнатларим муносиб тақдирланиб, 2004 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими», 2013 йилда «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирландим.

Навқирон кезларимда қилган меҳнатларим учун ҳатто мақтов ёрлиғи ҳам олмаганман. Бугун эса элимнинг эъзозли аёлиман. Осмонимиз мусаффо, турмушимиз файзли. Айтингчи, бундай юртни севмай бўладими?!



**Барно МИРЗАМОВА, «Ойдина Маржона Моҳидил» фермер хўжалиги раҳбари:**

— Болалигимда катта бўлсам, яхши ишлайман, ҳеч кимдан кам бўлмайман, дея ният қилардим. Юртимиздаги тинчлик-осойишталик туфайли орзуимга эришдим. Мустақиллик шарофати билан мулкдор бўлдим. Фермер хўжалигим, кўплаб шогирдларим бор. 210 гектар ерда деҳқончилик қилаяпмиз. Хўжалигимиз аъзоларининг маоши тайин, рўзғори бут.

Яқинда Юртбошимиз билан юзма-юз кўришиб, суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлдим. Бир олам таассуротларимни хўжалик аъзоларига бирма-бир гапириб бердим. Хўжалигимиз қошида тикув цехи очмоқчимиз. Қисқа қилиб айтганда, ҳамқишлоқларга фойдамиз тегаётганидан мамнунмиз.



**Санам ЖУМАЕВА, халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси:**

— Бош қомусимизда хусусий мулк ҳуқуқи муҳрлаб қўйилган. Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракати ривожига катта эътибор қаратилиб, ишбилармон юртдошларимизга хусусий фаолият юритиши учун катта шароит ва имтиёзлар яратиш ана шу ҳуқуқий асосга таянади.

Айни пайтда мен ҳам мулкдорман. Бундан ташқари, маҳалла фуқаролар йиғини раиси сифатида аҳоли манфаатларини ҳимоя этиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, хусусан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагидагиларни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилаяпман.

Фермерлик фаолиятимни 1998 йилда 1,5 гектар ерда сабзавот етиштиришдан бошлагандим. Ҳозир 92 гектар ер майдонимиз бор. Давлатга пахта ва ғалла сотиш шартнома режаларини зиёдаси билан бажариб келяпмиз.

Фарзандлари камолини кўриш, озод диёр, тинч ва осойишта элда яшаш бахтли оналаргагина насиб этади. Мен ўзимни шу тоифага киритаман. Чунки эртанги кунимдан, фарзандларим келажагидан хотиржамман.

*Республикамиз ҳудудларидан ташриф буюрган семинар иштирокчиларининг қай бири билан суҳбатлашманг, уларда қатъий ишончга асосланган кўтаринки руҳ сезилиб турганига ишонч ҳосил қиласиз. Бу эса Президентимиз таъбири билан айтганда, бугунги кунда мўл ҳосил етиштириб, дўкон ва бозорларимиз, эл-юртимиз дастурхонини тўлдириш, нарх-навонинг барқарорлиги, юртимиздаги тинчлик-хотиржамликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётган деҳқон ва фермерларимиз ҳаётимизнинг таянч устунлари эканидан яна бир далолатдир.*

МУЛОҚОТ МАЙДОНИ КЕНГАЙДИ:

# КУЗАТИШ ВА БАҲОЛАШДА ДАВОМ ЭТАМИЗ

**«XXI asr» газетасининг аввалги сонида хабар қилинганидек, партия тизимидаги кадрлар билан ишлаш, уларнинг сиёсий онги ва тафаккур доирасини кенгайтириш, мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар муваффақиятига дахлдорлик ҳиссини кучайтириш мақсадида O`zLiDeP ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази томонидан турли тадбирлар ташкил этиб келинмоқда. Энг муҳими, уларда тизимлилик ва босқичма-босқичлик тамойилларига қатъий амал қилиняпти. Хусусан, партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасида «старт» олган «Йигирма тўрт йиллик мустақил тараққиёт йўли — Ўзбекистоннинг ривожланиш йўли» мавзуидаги ўқув-семинарининг барча вилоятларда ташкил этилгани фикримиз далилидир. Эндиликда эса мазкур мулоқотлар туман (шаҳар)лар кесимига кўчаётир. Пировардида ушбу семинарлар корхона ва муассасалардаги бошланғич партия ташкилотларида якун топади. Ҳудудлардаги мухбирларимиз томонидан тайёрланган хабарлар эса ушбу мулоқот майдони тобора кенгайганидан дарак бериб турибди. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, учрашувларда асосий эътибор Президентимизнинг «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир» номли китобининг мазмун-моҳиятини ўрганишга қаратилган.**

### «... ЮРАК ҲАРОРАТИНИ ҲИС ҚИЛАСИЗ»

— Бу китобдан давлатимиз раҳбарининг сайловолди жараёнлардаги йигирмадан зиёд учрашув ва анжуманларда билдирган фикр-мулоҳазалари ўрин олган, — деди O`zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда сўз олган Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари Ғайбулла Юсупов. — Ушбу тўплам билан яқиндан танишган киши Ватанимиз тақдирига фидойилик, халқимиз фаровонлиги учун ҳар қандай синов ва машаққатларга тайёр бўлган, улуғ мақсадларга эришишни олий саодат, ўз ҳаётининг мазмуни, деб биладиган инсон – улкан давлат арбобининг безовта қалби, юрак ҳарорати, мустаҳкам иродасини ҳис қилади.

Давра суҳбатида O`zLiDeP вилоят кенгаши бўлим мудири А. Шодмонқулов, партия фаоли, ҳунарманд Сайёра Тўхтасинова китобда мамлакатимизнинг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган тараққиёт стратегияси аниқ-равшан белгилаб берилганини, илм-фан, маданият, санъат, спорт каби ижтимоий соҳаларни барқарор ривожлантириш, юртимиздаги ҳар бир ҳудуд ва минтақа тараққиётини янги босқичга кўтаришга доир устувор режа ва лойиҳалар баён қилинганини эътироф этдилар.

### ЮРТГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ САОДАТ

O`zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим марказида ўтказилган ўқув-семинарда ҳам партиядошларимиз учун муҳим мафкуравий манба бўлган янги китобнинг нашр этилиши ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётимизда катта воқеа бўлгани таъкидланиб, юртимизнинг мустақиллик йилларида босиб ўтган мураккаб, айни вақтда шарафли тарихий йўли ўз ифодасини топгани қайд этилди.

— Асарда мамлакатимиз эришган ва эришаётган муваффақиятлар атрофлича баён этилган, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Жамол Носиров. — Масалан, БМТ кўмагида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан ўтказилган ижтимоий сўров – «Бутунжаҳон бахт индекси» рейтингида Ўзбекистон 158 мамлакат орасида 44-поғонани, МДҲ давлатлари орасида эса биринчи ўринни эгаллагани ҳар биримизнинг қалбимизда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг беқиёс ўрни бор. Бухорода ҳам ушбу йўналишга алоҳида эътибор бериб келинаётир. Вилоятда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотда хусусий секторнинг ҳиссаси 66 фоизга етгани, иш билан банд аҳолининг салкам 78 фоизи айнан шу соҳада самарали меҳнат қилаётгани фикримиз исботидир.

Ўқув-семинарда алоҳида таъкидланганидек, Президентимизнинг республикамиз минтақалари, жумладан, Бухорога эътибори туфайли вилоят иқтисодиётига 2009-2014 йилларда 9 миллиард 500 миллион доллар ҳажмида инвестиция киритилди. Ер ости ва усти бойликлари ўзлаштирилиб, юзлаб янги корхоналар қурилди. Минг-минглаб иш ўринлари яратилди. Мактаб, лицей, коллеж, тиббиёт муассасалари барпо этилди. Биргина 2014 йилда 74 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилиб, 23,6 минг нафар касб-ҳунар коллежи битирувчиси ишга жойлаштирилди.

— Президентимиз китобида кўп тармоқли фермер хўжаликларини янада кўпайтириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида қилинадиган ишлар ва улкан имкониятлар мавжудлиги алоҳида қайд этилган, — дейди O`zLiDeP Жондор туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман кенгаши депутати Раъно Раҳимова. — Демак, яқин келажакда юртимиз янада обод, аҳоли турмуш тарзи янада фаровон бўлади.

### ИСТИҚЛОЛИМИЗ ВА ИСТИҚБОЛИМИЗ КЎЗГУСИГА АЙЛАНГАН АСАР

Қарши шаҳрида бўлиб ўтган ўқув-амалий семинарда O`zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Орзиқул Шеров, фалсафа фанлари номзоди, доцент Тоҳир Қурбонов, вилоят адлия бошқармаси бўлим мудири Ҳусан Турсунов, Қарши туманидаги «Нормўмин бобо» фермер хўжалиги раиси, туман кенгаши депутати Панжи Гелдиев, Қарши Давлат университети талабаси, партия «Ёшлар қаноти» фаоли Азиза Набиева сўзга чиқиб, Юртбошимизнинг мазкур китобида мамлакатимиз мустақиллик йилларида босиб ўтган тараққиёт йўли чуқур таҳлил этилганлиги, яқин истиқболдаги стратегик ва тактик вазифалар, халқимизнинг орзу-умид ва интилишлари акс эттирилганига эътибор қаратишди.

— Демократия — инсон, жамият ва давлат деган уч субъект ўзаро бир-бирини тўлдирадиган, бир-бирини бойитиб, керак бўлса, назорат қилиб турадиган яхлит тизим сифатида таърифланади, — деди ўз сўзида Ҳусан Турсунов. — Жамият аъзолари томонидан давлат ҳокимиятини шакллантириш мақсадида ўтказиладиган сайловлар нафақат демократия белгиси ёки кўриниши, балки унинг зарурий шарти ҳамдир. Муаллиф шу нуқтаи назардан сайловнинг ўта муҳим аҳамияти сифатида унинг холисона ўтишига қараб, барчамизнинг сиёсий ва ҳуқуқий савиямиз, жамиятимизнинг демократик тараққиёт йўлидаги ривожланиши, Ўзбекистоннинг обрў-эътиборига баҳо берилишини алоҳида таъкидлайди. Зеро, глобаллашув ва ахборот асри саналмиш тезкор замонда демократия ғоясини фуқаролар, айниқса, ёшлар онгига моҳиятан тўғри сингдириш ўта муҳимдир. Ўз сиёсий «ўйин»лари йўлида демократиядан ғаразли мақсадда фойдаланаётган «доҳийлар»га алданиб қолмаслик учун ҳам китобни қайта-қайта ўқиш ва ўрганиш, кенг жамоатчиликка етказиш долзарб аҳамиятга эгадир.

### МОҲИЯТАН МУҲИМ МАФКУРАВИЙ МАНБА

O`zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши томонидан ҳам «Йигирма тўрт йиллик мустақил тараққиёт йўли – Ўзбекистоннинг ривожланиш йўли» мавзуида ўқув-семинар ташкил этилди. Унда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, БПТ етакчилари, сиёсатшунос, иқтисодчи ва ҳуқуқшунос олимлар ҳам иштирок этишди.

Тадбирда мазкур асар аҳамиятига кўра ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган муҳим мафкуравий манба экани алоҳида таъкидланди. Шунингдек, Ўзбекистонда амалга оширилган ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти, истиқболдаги кенг миқёсли ислоҳотларнинг йўналишини янада теранроқ англаш имконини берувчи концептуал ғоялар ўрин олгани қайд қилинди.



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЎҚУВ-СЕМИНАРИДА ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ АЪЗОЛАРИ, ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШДИ. O`ZLIDEP ВИЛОЯТ КЕНГАШИ МУТАСАДДИЛАРИ ЭСА МАЗКУР ТАДБИРНИ ТУМАНЛАРДА АНА ШУНДАЙ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИШМОҚДА.



Солиҳ ЗОИР олган суратлар

– Жумладан, давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиши муносабати билан сўзлаган нутқида бугунги кунда бутун халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган «ўзбек модели»га асосланган ҳамда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган ислоҳотларнинг ижобий самаралари ҳар томонлама таҳлил қилинган, – дейди O`zLiDeP вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Илҳом Ботиров. – Дастуриламал асар фаолларимиз ва электорат вакиллари томонидан кучли қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Эътиборли томони, тадбир дастурида белгиланганидек, китобдаги ҳар бир йўналиш бўйича маърузалар тингланиши баробарида фикр-мулоҳаза тарзидаги амалий мулоқотлар ҳам ўтказилди. Чунончи, «Ким эдигу ким бўлдик? Эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?», «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт», «Тарих — бамисоли кўзгу», «Ўзбек модели» – амалда ўзини оқлаган, ёруғ истиқболимизни белгилаб берган тараққиёт йўли», «Аёл бахти – жамият бахти» каби мавзулардаги маърузалар семинар иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

– Бу китоб халқимиз, айниқса, биз сингари партия фаоллари учун катта туҳфа бўлди, – дейди Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти доценти Саид Норов. – Унда 24 йил давомида эришилган ютуқлар билан бирга яқин тарихимизга оид холис ва ҳаққоний маълумотлар ҳам ўз аксини топган. Модомики, келтирилган далилларнинг нақадар тўғри эканлигига биз, катта авлод вакиллари бевосита гувоҳмиз.

Семинар иштирокчиларининг қайд этишича, китобда Президентимизнинг O`zLiDeP электорати манфаатлари ва хоҳиш-истакларига доимо ҳамоҳанг бўлган принципиал бир фикри борки, у ҳам бўлса, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини стратегик асосланган даражагача камайтириш, айни пайтда тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш ғоясидир. Партиямиз эса ҳар қандай эркинликнинг энг муҳим кафолати хусусий мулк эркинлигини таъминлашдан иборат, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон фермерлари томонидан мустақиллик йилларида эришилган ютуқларга берилган баҳо ҳам O`zLiDeP аъзоларига алоҳида ғурур бағишлади. Ўз навбатида, бундай эътибор O`zLiDePни қишлоқда бозор ислоҳотларини янада фаоллаштириш, фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга руҳлантиради, дейишди партиянинг вилоят кенгаши вакиллари.

### АМАЛИЙ СЕМИНАРНИНГ АҲАМИЯТИ НИМАДА?

O`zLiDeP Навоий вилоят кенгашида ташкил этилган амалий семинар ҳам таъсирчан тарзда ўтказилгани, яъни чиндан-да амалий аҳамияти билан эсда қоладиган бўлди. Бунга партиянинг вилоят ва туман (шаҳар)лар кенгашларидаги мутасаддилари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари муносиб ҳисса қўшишди.

Семинарда сўзга чиққан Навоий давлат педагогика институти, Навоий давлат кончилик институти профессор-ўқитувчилари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти минтақавий филиали мутахассислари юқорида таъкидланган китобнинг мазмун-моҳияти, унда илгари сурилган асосий ғоялар юзасидан атрофлича маълумот беришди. Уларнинг фикрига кўра, «Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик? Эртага қандай марраларни эгаллашимиз керак?» деган бош ғояни ўзида мужассам этган ушбу асарни Ватан ва халқ манфаатлари йўлида хизмат қилувчи зиёлиларимиз, ўзини шу азиз юрт фарзанди деб биладиган ҳар бир фуқаро қайта-қайта ўқиб чиқиши, энг аввало, ўзлари чуқур англаб етишлари, кейин эса ўсиб келаётган ёш авлод онгига пухта сингдиришлари лозим. Токи, эндигина катта ҳаётга кириб келаётган ёшларимиз мустақиллик буюк неъмат эканлиги, унга эришиш осон бўлмаганлиги, истиқлолга элтувчи йўлда қанчадан-қанча тўсиқ ва ғовларни енгиб ўтишга тўғри келинганлиги, мустақиллик берган улкан имкониятлар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаганлигини тушунишсин ва қадрига етишсин.

***Биз амалий семинар амалий аҳамиятини бежиз унинг таъсирчанлиги билан изоҳламадик. Зеро, ҳар қандай, айниқса, партия фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган мафкуравий жараёнлар, аввало, ғоявий таъсирдан куч-қувват олади. Мухбирларимиз эса уларни кузатиш, таҳлил қилиш, ғоявий савияси ва таъсирчанлик даражасига холис баҳо бериш ҳамда кенг жамоатчиликка етказишда давом этишади.***

**Вилоят мухбирлари хабарлари асосида Озод РАЖАБОВ тайёрлади.**

ЭЛ ЭЪТИБОРИДАГИ ЛИДЕРЛАР

# ИНТЕЛЛЕКТУАЛ БОЙЛИК — БЕБАҲО ХАЗИНА

**Қарши давлат университети қошидаги 2-Академик лицейда O`zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган давра суҳбати ана шундай номланди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси масъул ходимлари иштирок этган мусоҳабани партия вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Арзиқул Шеров олиб борди.**

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI asr»

Долзарб мавзудаги мулоқотда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қаҳрамон Эргашев «Интеллектуал мулкни ҳимоя қилишни такомиллаштириш борасида парламент томонидан олиб борилаётган ишлар» мавзуида маъруза қилди.



— Мамлакатни ҳар томонлама тараққий эттиришда интеллектуал мулк ва унинг қонуний кафолатланганлиги муҳим аҳамият касб этади, — деди у ўз сўзида. — Юртимизда интеллектуал мулк муҳофазага олинган бўлиб, фуқароларнинг илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланган. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 24 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан давлат Патент идораси ҳамда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги негизида Интеллектуал мулк агентлиги ташкил этилиб, ихтиролар, саноат намуналари, фойдали моделлар, товар белгилари ҳамда бошқа интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофазалаш механизмига асос солинди.



Давра суҳбатида O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг депутатлар билан ишлаш сектори мудири Адҳам Ҳусейнов, вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Фирдавсий Жабборов, Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Баҳодир Юсупов, лицей директори Исмигул Хушмуродова сўзга чиқиб, тизимдаги бу янгилик бир қатор қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо этишини алоҳида таъкидладилар.

— Мазкур қонуннинг қабул қилиниши интеллектуал мулк соҳасидаги қоида ва атамаларни бир хилда қўллаш, унификациялаш, юридик ва жисмоний шахсларни ортиқча молиявий харажатлардан халос этиш, соҳа объектларига нисбатан эгаларининг ҳуқуқларини муҳофазалаш усулларини кенгайтиришга хизмат қилади, — дейди Баҳодир Юсупов биз билан суҳбатда. — Жорий йилда бўлимимиз томонидан «Келажак фермери», «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба», «Парламентда менинг ўрним», «Ёш олимлар ва мутахассислар-2015» танловлари, «Қишлоқ хўжалиги амалиёти — фермерлар муваффақияти», «Хавфсиз интернет», «Ёшлар ва миллий қонунчилик» лойиҳаларининг тақдимоти ўтказилиб, битирувчиларга интеллектуал салоҳиятидан фойдаланган ҳолда бизнес-режа тузиш, гаров таъминоти, касаначилик ва якка тартибдаги тадбиркорларга яратилаётган имтиёзлар ҳақида батафсил тушунтиришлар берилди.

Тадбирда бебаҳо хазина ҳисобланган интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш тизимини янада ривожлантириш учун халқаро тажрибани чуқур ўрганиш, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга доир қонун ҳужжатлари ижросини доимий мониторинг қилиб бориш, кадрлар малакасини оширишга эътибор қаратиш борасида амалий таклифлар билдирилди.

# Ромитан фермерлари мулоқоти

**Ромитан туманидаги 432 та фермер хўжалигининг 120 таси кўп тармоқли бўлиб, улар ўз фаолиятига замонавий технологияларни кенг жорий этиш орқали ишлаб чиқаришда юқори натижаларга эришмоқда**

**Асхор ИСТАМОВ,**
«XXI asr»

Зеро, эндиликда фақат аграр соҳа билан кифояланмай, маҳаллий саноатни ривожлантириш, сервис хизматини кенгайтириш ҳам қишлоқ мулкдорларининг муҳим вазифаларидан биридир. Бу эса янги иш ўринлари яратиш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтириш имконини беради.

Шу маънода Ромитан ҚФЙ ҳудудидаги «Ҳоди Барот» фермер хўжалигида O`zLiDeP туман кенгаши масъул ходимлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирокида ўтказилган давра суҳбатида асосий эътибор Президентимизнинг Наманган ва Фарғона вилоятларига сафари чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларга қаратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Дарҳақиқат, бугун барча соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси кенг кўламли бунёдкорлик ишларида яққол намоён бўлмоқда. Инсон, унинг ҳаётий манфаатларига давлат даражасида эътибор қаратилаётганлиги туфайли янгидан-янги имкониятлар юзага чиқиб, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш тармоқларини жадал ривожлантиришга эришилаётир. Буни биргина Ромитан тумани мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Президентимиз ташаббуси билан аграр соҳада замон талабларига мос муносабатлар жорий этилиб, фермерлик ҳаракати кенгайтирилаётганлиги қишлоқ тараққиёти учун янги истиқболлар очмоқда, — дейди туман Фермерлар кенгаши раиси Юнус Рамазонов. — Илгари асосан пахтачилик билан шуғулланган деҳқонларимиз эндиликда дон, картошка, гўшт, сут ва бошқа хил маҳсулотлар етиштириб, юрт бойлигига бойлик қўшишмоқда. Бу эса ислоҳотларнинг энг катта самарасидир. Юртбошимизнинг водий вилоятларига ташрифи пайтида ўртага ташлаган қимматли таклифлари бизни янада фаоллик билан ишлаш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиб, Ватан равнақи, дастурхон тўкинлиги йўлида фидокорона меҳнат қилишга ундаётир.

Давра суҳбати ниҳоясида бир гуруҳ пешқадам фермер хўжаликлари раҳбарларига O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг ташаккурномалари ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

> ДАВРА СУҲБАТИ НИҲОЯСИДА БИР ГУРУҲ ПЕШҚАДАМ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИГА O`ZLIDEP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ТАШАККУРНОМАЛАРИ ҲАМДА ЭСДАЛИК СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ.

# Бизнинг хонимлар — бизнес хонимлари

**Президентимизнинг шу йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони партиямиз электорати фаолияти учун янги босқични бошлаб берди**

**Дилноза НОМОЗОВА,**
«XXI asr»

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан ташкил этилган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда хотин-қизларнинг иштирокини янада кенгайтириш» мавзуидаги давра суҳбатида ишбилармон аёллар мазкур фармон мазмун-моҳияти хусусида фикр алмашишди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзолари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, тадбиркорлар қатнашган тадбирда асосий эътибор хусусий секторнинг иқтисодиётимиздаги ролини ошириш, ишбилармонлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги тўсиқ ва чекловларга барҳам бериш, хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини кўпайтириш учун янада қулай иқтисодий-ҳуқуқий шароит яратиш масалаларига қаратилди.

Давра суҳбатида мамлакатимизда 2015 йил 1 июль ҳолатига кўра тижорат банклари томонидан тадбиркор аёлларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида 685,7 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилгани мамнуният билан қайд этилди.

O`zLiDeP Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан хотин-қизларнинг ўз бизнесини йўлга қўйишига кўмаклашиш, ушбу соҳадаги билимларини ошириш масалаларига катта аҳамият берилаётгани, жумладан, жорий йилда «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» номли партиявий лойиҳанинг вилоят босқичларида ғолиб бўлган 210 нафар опа-синглимизга имтиёзли кредитлар берилганига эътибор қаратилди.

— Яратилган имкониятлар туфайли эмин-эркин фаолият юритаяпмиз, — дейди тадбир иштирокчиси, «Паризод» хусусий корхонаси раҳбари Дилбар Хўжаева. — Айни пайтда жамоамизда 60 дан зиёд киши ишлайди. Улар сафини янада кенгайтириш, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчи қизларини иқтисодиётнинг турли соҳаларига ишга жойлаштириш мақсадида ўқув маркази ҳам ташкил этганмиз.

Давра суҳбати сўнггида тадбир ташкилотчилари иштирокчиларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтаришди.

## САФДОШИМИЗНИНГ 30 НАФАР ШОГИРДИ

**Тадбиркор сафдошларимиз келажак ворисларини ёшлигиданоқ ўз бизнесини бошлашига кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратишаётир. Жумладан, халқ депутатлари Навбаҳор туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари, «Афросиёб Гулшани» хусусий корхонаси раҳбари Гулшан Олтинова умумтаълим мактаби битирувчиларидан 30 нафарини шогирдликка олди.**

**— Ташаббуснинг қаноти бор, — дейди O`zLiDeP фаоли Фозил Ҳамроев. — Гап шундаки, Г.Олтинова бундан олдин ҳам туман ҳокимлигининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими билан ҳамкорликда «Устоз-шогирд» анъанаси асосида уйда бола тарбияси билан банд бўлган ёки вақтинча ишсиз хотин-қизларни тикувчиликка ўргатиш бўйича ўқув курслари ташкил этган эди. Айни кунда уларнинг кўпчилиги тадбиркорлик фаолияти билан ҳам шуғулланишяпти.**

**— Машғулотларимиз назарий ва амалий тарзда олиб борилади, — дейди Гулшан. — Назарий билимлар корхона тикувчилик цехида ўтадиган амалий машғулотларимизда мустаҳкамлаб борилмоқда. Олти ой давомида тикувчилик сирларини пухта эгаллаб, шу йўналиш бўйича коллежда ўқишни давом эттирадиган шогирдларни иш билан таъминлашни ҳам режалаштирганмиз.**

Мансур АСЛОНОВ.

**O`zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш, Ёшлар билан ишлаш бўлимлари ҳамда партиянинг Сирдарё туман кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган давра суҳбати ушбу долзарб мавзуга бағишланди**

# Қизларни турмушга эрта узатманг!

**Дилора ЭСОНОВА,** «XXI asr»

Маълумки, Президентимизнинг «2014-2018 йилларда Ўзбекистон аҳолисининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш бугунги кунда ҳар қачонгидан катта аҳамиятга эгадир. O`zLiDeP вилоят кенгаши мазкур ҳужжатларда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда жойларда таъсирчан семинарлар, соғломлаштириш тадбирларини ўтказмоқда.

— Ёшлар тақдирига бефарқ қарашга асло ҳаққимиз йўқ, — дейди ўз сўзида Сирдарё тиббиёт коллежи директори Холида Ўралова. — Шуни назарда тутиб, тарғибот-ташвиқот ишларини тобора кучайтираяпмиз. Жумладан, партия фаолларининг саъй-ҳаракати билан коллежимизда «Миссионерлик нима?», «Одам савдоси — аср муаммоси», «Ёшлар ОИТС ва гиёҳвандликка қарши» каби мавзуларда амалий мулоқотлар ташкил қилинди.

O`zLiDeP вилоят кенгаши бўлим мудири Дилором Каримова, партия Сирдарё туман кенгаши раиси Абдурашид Худойбердиев ва бошқалар мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилганини эътироф этиб, кун тартибидаги масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар.

— Маълумотларга қараганда, дунё бўйича ҳар йили 15 миллиондан ортиқ қизлар оналик мақомига эга бўларкан, — деди Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Ҳусанхон Жабборов. — Буни тушунса бўлади. Аммо 100 миллиондан ортиқ қиз жинсий яқинлик орқали турли касалликларга чалинишини қандай изоҳлаш керак? ОИВ/ОИТСга дучор бўлганларнинг 40 фоизи асосан 15-24 ёшлилардан иборат. Олимларнинг фикрича, қизлар учун энг мақбул турмуш ёши 22-25, ўғил болалар учун эса 24-30 ёш саналади. Ҳар бир ота-она буни назардан четда қолдирмаслиги лозим, албатта.

Тиббиёт коллежи ўқитувчиси Насиба Сарибоева ҳам эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари хусусида тўхталиб, ўз мулоҳазаларини ҳаётий мисоллар орқали асослаб берди.

— Мен ушбу коллежнинг иккинчи босқич талабасиман, — дейди боёвутлик Севара Икромова. — Ўқув масканимизда ҳамширалик ва даволаш иши, фармацевт ассистенти, тиббий-профилактика, лаборатория-диагностика йўналишлари мавжуд бўлиб, бу ерда таълим олаётганларнинг 858 нафарини қизлар ташкил қилади. Учрашув нафақат менда, балки бошқа тенгдошларимда ҳам катта таассурот қолдирди. Энг муҳими, келгусида ўзимиз учун асқотадиган жуда кўп маълумотларга эга бўлдик.

Тадбир давомида коллежнинг «Ораста қизлар» тўгараги аъзолари томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари ва миллий рақслар, шунингдек, мавзуга оид слайдлар намойиш этилди.

«XXI ASR» 44 (624)-son, e-mail: xxi_asr@umail.uz

2015 — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

# БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА УЙҒУН ТАШАББУСЛАР

**«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида Сурхондарё вилоятидаги O`zLiDeP бошланғич ташкилотлари томонидан ташкил этилаётган тадбирларда ёши улуғ инсонлар эъзозланиб, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда**

**Муҳриддин НУРМАНОВ,**
«XXI asr»

Маълумотларга кўра, ҳудудда мазкур дастур ижроси учун 31 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилиб, қарияларга муносиб турмуш шароити яратиш ва соғлиғини мустаҳкамлаш чоралари кўрилаётир. Воҳада истиқомат қилаётган юз ёшдан ошган 135 нафар нуронийнинг пенсиясига ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида устама тўланмоқда. Шунингдек, 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига байрамлар арафасида пул маблағлари ва қимматбаҳо совғалар улашилиб, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган телевизорлар бепул бериляпти. Замонавий мобиль телефон аппаратлари совға қилиниб, ойлик абонент тўловисиз ҳар ойда маҳаллий ва шаҳарлараро қўнғироқлар учун лимитлар ажратилди. 2015-2017 йилларда кекса авлод вакилларининг уй-жой шароитларини яхшилаш ҳудудий дастури доирасида жорий йилнинг ўтган даврида тўрт юзга яқин хонадон таъмирланди. Фахрийлар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, ўзлари учун маъқул муддатда санаторий-соғломлаштириш сиҳатгоҳларида дам олишмоқда. Реабилитация техник воситаларига муҳтожлар эшитиш мосламаси, ногиронлар аравачаси билан бепул таъминланаяпти. Икки мингга яқин ёлғиз қария ва ногирон, 2 минг 500 га яқин Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти фахрийсига саломатлигини тиклаш учун мамлакатимиздаги турли санаторийларга бепул йўлланма берилди.

Ана шундай кенг кўламли ишларни рўёбга чиқаришда O`zLiDeP бошланғич ташкилотлари ҳам фаол иштирок этаётир. Жойларда ташкил этилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ва семинарларда кекса авлоднинг жамиятдаги ўрни, ёшларни Ватанга садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги роли фахр-ифтихор билан эътироф этилмоқда. «Қариси бор уйнинг париси бор», «Қариялар — хонадонларимиз файзи», «Савоб ишни ҳар кун қилиш керак, савоб ишни ҳар ким қилиши керак!» «Кексаларни эъзозлаш — бурчимиз» каби мавзуларда ўтказилаётган учрашувларда пиру бадавлатларга совға-саломлар улашилиб, моддий ва маънавий далда берилаяпти.

— Ёши улуғ инсонларнинг муносиб турмуш кечириши учун зарур шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан биридир, — дейди O`zLiDeP вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Алишер Рўзиев. — Бундай савоб ва хайрли тадбирларни қуйи бўғинларимиз маҳаллий кенгашлардаги депутатлар билан ҳамкорликда амалга ошираётгани эътиборга молик. Қарияларни қадрлаш, уларга самимий ҳурмат бажо келтиришда таянч тузилмаларимиз аъзолари бўлган тадбиркор ва фермерларимиз ўз сафдошларига ибрат бўлишаяпти. Айтиш зарурки, O`zLiDePнинг Сурхондарё вилоятидаги 557 та БПТ атрофида 22 минг 845 маслакдошимиз ягона мақсад йўлида бирлашган. Қуйи ташкилотларда кексаларни эъзозлаш, иззат-икром кўрсатиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёрдам бериш муҳим вазифа сифатида белгилаб олинган.

Дарҳақиқат, шундай. Чунончи, яқинда Узун туманидаги «Меҳрож ШКХ» улгуржи-савдо ишлаб чиқариш корхонасидаги O`zLiDeP бошланғич ташкилоти етакчиси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Шукур Қурбонов ташаббуси билан «Қариялар — хонадонимиз файзи» мавзуида тадбир ташкил этилиб, унга «Ўзбекистон» ҚФЙ ҳудудида истиқомат қилаётган нуронийлар таклиф этилди. Бир пиёла чой баҳонасида бўлиб ўтган мулоқотда уларнинг Ватанимизни юксалтириш ва ёш авлод бахту камоли йўлидаги беқиёс хизматлари алоҳида эътироф этилиб, совғалар топширилди. Қайд этиш кераккки, элликдан ортиқ киши меҳнат қилаётган мазкур корхонадаги партия таянч нуқтаси ўз сафига қирқдан ортиқ аъзони бирлаштирган.

— Оқсоқолларнинг дуосини олиш халқимизга хос ажойиб фазилатдир, — дейди Қ.Шукуров. — Корхонамизда қариялар билан тез-тез учрашиб, уларнинг қимматли маслаҳатлари асосида иш юритиш ўзига хос анъанага айланган. Кексаларни эъзозлаш йилида фаолларимиз бундай хайрли иш кўламини янада кенгайтиришмоқда.

Термиз шаҳридаги «Саодатбону Азиза Термиз» хусусий корхонасидаги таянч бўғин етакчиси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Шокир Тошбоев ҳам «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурининг ижросига сезиларли улуш қўшиб, отахон ва онахонларимизнинг эзгу тилакларига сазовор бўлаётган партия фаолларидан биридир.

Тилга олинган хусусий корхона вилоятдаги йирик қурилиш ташкилотларидан саналади. Жорий йилда корхона бунёдкорлари Денов мурувват уйини тубдан реконструкция қилишди. Айни пайтда Термиз шаҳрида замонавий кўп қаватли уй барпо этмоқда. Хусусий корхона раҳбарининг ўринбосари Шокир Тошбоев етакчилик қилаётган қуйи бўғин ташаббускорлиги, сиёсий етуклиги билан ҳам бошқаларга намуна бўлмоқда. Қариялар истиқомат қилаётган эҳтиёжманд оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, моддий-маънавий кўмак бермоқда. Хусусан, бошланғич партия ташкилоти етакчиси Хотира ва қадрлаш куни арафасида O`zLiDeP вилоят кенгаши билан ҳамкорликда Термиз шаҳридаги маҳаллаларда бўлиб, Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти фахрийлари ҳолидан хабар олди. Уларга БПТнинг эсдалик совғаларини топширди. Саховатпеша етакчининг воҳа марказидаги «Тупроққўрғон», «Шодлик» МФЙларда истиқомат қилаётган нуронийларга кўрсатган ғамхўрлиги ҳам диққатга сазовордир.

Кексаларни эъзозлаш йилида Жарқўрғон туманидаги «Азим-Сурхон» фермер хўжалиги раҳбари, O`zLiDeP бошланғич партия ташкилоти етакчиси Омон Аҳадов томонидан амалга оширилаётган тадбирлар эса ёши улуғ инсонларимизга бир олам қувонч улашиб, уларда келажагимизга бўлган ишонч ҳиссини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаяпти.

Денов, Сариосиё, Шўрчи, Олтинсой, Қумқўрғон, Бойсун туманларидаги БПТлар ҳам Давлат дастури ижросига алоҳида аҳамият қаратиб, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар билан таъминлаш, уй-жойларини таъмирлаш, коммунал тўловларни тўлашга ҳомийлик ёрдами кўрсатишаяпти. Бундай эътибор ва ғамхўрликлардан руҳланаётган фахрийларимиз инсон қадри улуғланган фаровон юртда тинч, осойишта турмуш кечиришаётганига беадад шукроналар айтишмоқда.

— Президентимиз ташаббуси билан жорий йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилиниши бизнинг кўнглимизни тоғдек кўтарди, — дейди сурхондарёлик меҳнат фахрийси Райимқул Қулмонов. — Йил бошидан байрамона кайфиятда яшаяпмиз. Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари тез-тез ҳолимиздан хабар олиб туришибди. Бундай эзгу амалларнинг барчаси юртимиздаги тинчлик-осойишталик ва халқимизга хос меҳр-оқибат самарасидир.

**«ПАРТИЯ ДАВЛАТНИНГ ИЖТИМОИЙ СОҲАГА ОИД СИЁСАТИДАГИ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШНИ ИНСОНГА БЎЛГАН ЭЪТИБОР ТАШКИЛ ЭТИШИ ЛОЗИМ, ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ. ПАРТИЯ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БАРЧА БОСҚИЧЛАРИДА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАРНИ АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ЎСИШИ БИЛАН БАҲОЛАЙДИ».**

O`zLiDeP Дастуридан.

## ▼ АНИҚ САВОЛГА

**— Партия туман (шаҳар) ташкилотлари ўз йиғилишларини талаб даражасида ўтказиш учун қайси жиҳатларга алоҳида эътибор қаратишлари лозим?**

— Партия Уставининг 8.1 бандида партия маҳаллий кенгашлари қуйи бўғинлар фаолиятини бошқариш, мувофиқлаштириш ва бирлаштириш мақсадида тузилиши белгилаб қўйилган. Бинобарин, партия туман (шаҳар) бўлимлари йиғилишлари мазмун-моҳиятига кўра, аввало, электорат вакилларининг БПТлар томонидан кўтариб чиқиладиган муаммолари ечимига бағишланган чора-тадбирлар муҳокама қилинишини назарда тутади. Бу эса партия ташкилотларининг таъсирчан воситаси бўлган депутатлик корпусининг имкониятларидан фойдаланишни тақозо этади.

**Партия ташкилотининг йиғилиши қарорида:**

— депутатлик гуруҳининг муайян масала бўйича назорат-таҳлил фаолиятини амалга ошириш;

— халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгаши муҳокамасига маълум масалани киритиш;

— депутатлик гуруҳи мажлисида мансабдор шахс ҳисоботини эшитиш;

— мансабдор шахсга депутатлик сўрови билан мурожаат этиш;

— юқори партия органларига таклифлар бериш сингари чоралар белгиланиши йиғилишнинг таъсирчан, самарали ўтганини кўрсатади.

Шунинг баробарида ташкилий ишлар — йиғилиш вақти ва жойини белгилаш, иштирокчиларни хабардор этиш ҳамда маърузалар матнлари, қарор лойиҳаси, қатнашчилар ва таклиф этилаётганлар рўйхати, ОАВ учун пресс-релиз тайёрланишига оид масалалар бекаму кўст бажарилиши керак.

Энг асосийси, партиянинг туман (шаҳар) бўлими БПТлар томонидан кўтарилган масалалар ва электорат вакилларининг муаммолари, шунингдек, партия депутатлик гуруҳи аъзоларининг фаолияти тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлиши лозим. Йиғилиш жараёнида партия юқори органларининг қарорларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш шакли ва услублари бўйича таклифлар ишлаб чиқилиши ҳамда мажлис қарорида акс эттирилиши лозим.

## ▲ АНИҚ ЖАВОБ

# Тарғиботда таъсирчанликни таъминлайлик

**O`zLiDeP Наманган вилоят кенгаши ташаббуси билан партия туман ва шаҳар ташкилотлари раҳбарлари ҳамда БПТлар билан ишлаш бўйича консультантлари учун ўтказилган ўқув-семинарда ана шу масалага алоҳида эътибор қаратилди**

Тадбирда бошланғич партия ташкилотлари фаолияти, уларнинг депутатлар билан ҳамкорлиги тўғрисида ҳам атрофлича сўз юритилди. Наманган шаҳри, Учқўрғон, Янгиқўрғон, Тўрақўрғон, Наманган, Поп туманлари партия ташкилотларининг самарали ишлари алоҳида эътироф этилиб, O`zLiDeP хайрихоҳлари кун сайин ортиб бораётганлиги таъкидланди. Бу фикр кейинги ойларда партия аъзолари сафининг сезиларли даражада кенгайганлиги, қуйи бўғинлар сони кўпайганлиги билан изоҳланди.

— Ҳақиқатан ҳам шундай, — дейди O`zLiDeP Наманган шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Соҳибахон Ғаффорова. – Бу ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта. Тарғибот-ташвиқот ишлари таъсирчанлигига жиддий эътибор қаратяпмиз.

Семинар иштирокчиларига электорат манфаатларига доир янги қабул қилинган қонунлар, қарорлар ҳақида тушунчалар берилди. Айниқса, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга алоҳида урғу берилди. Бу ҳужжат тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини янги босқичга кўтариши қайд этилди.

Шундан сўнг тренинг машғулотлари ўтказилди. Иштирокчилар топширилган мавзулар доирасида билим ва кўникмаларини, ташкилотчилик қобилиятлари, нотиқлик маҳоратларини намоён этдилар.

— Ўқув-семинардан кўзда тутилган мақсад партия ходимларининг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий билимларини янада ошириш, уларни замонавий тарғибот-ташвиқот усуллари билан қуроллантиришдир, — дейди O`zLiDeP вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Носиржон Абдуллаев. — Президентимиз таъкидлаганидек, «Замон ўзгариши билан халқимиз, одамларимизнинг дунёқараши, онгу тафаккури, ҳуқуқий маданияти, сиёсий фаоллиги, фуқаролик масъулияти ва бурчи юксалмоқда». Шундай экан, электорат вакиллари билан ишлашда янги, ноанъанавий усулларни қўллашни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

— Тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда янги сиёсий технологиялардан унумли фойдаланиш лозим, — дейди партия вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази раҳбари Наргиза Муҳаммадиева. — Ўқув-семинарини ташкил этишдан олдин режа тузиб, энг долзарб мавзуларни танлаб олдик. Фақат маъруза ўқишдан чекланиб, слайдлар орқали ҳар бир мавзуни батафсил ёритишга ҳаракат қилдик.

— Семинар бизда катта таассурот қолдирди, — дейди O`zLiDeP Наманган туман кенгаши раисининг биринчи ўрибосари Анваржон Абдуллаев. — Ҳар биримизга алоҳида мавзулар берилиб, уни изоҳлаш топширилгани маъқул бўлди. Масалан, менга «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонун ҳокимларнинг маҳаллий кенгашларга ҳисобот тақдим этишининг аниқ механизмларини белгиловчи янги қоидалар билан тўлдирилганлигини содда ва оммабоп тилда тушунтириш вазифаси берилди. Ва мен ўз тажрибамдан келиб чиққан ҳолда уни тўла бажаришга ҳаракат қилдим.

— Партия ғояларини тарғиб этишда бошланғич ташкилотларнинг ўрни жуда катта, — дейди O`zLiDeP Чортоқ туман кенгашининг БПТлар билан ишлаш бўйича консультанти Улуғбек Отахонов. — Чунки улар электорат вакиллари билан юзма-юз иш юритадилар. Шунинг учун электорат манфаатларига оид масалаларни депутатлик гуруҳлари билан бирга муҳокама қилиш, доимий комиссиялар, сессиялар муҳокамасига киритиш, энг аввало, таянч бўғинларнинг ташаббускорлигига боғлиқ.

**Комилжон ФАЙЗИЕВ,**
**O`zLiDeP Наманган вилоят кенгаши матбуот хизмати ходими.**



Биз — XXI асрда яшаяпмиз!

**Биз — XXI асрда ишлаяпмиз!**
**Сиз — «XXI ASR»га 2016 йил учун обуна бўлдингизми?**

Нашр индекси: 406
Мурожаат учун телефон: (0 371) 215-63-80

# Таклифим шундан иборатки...

**Ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини шакллантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишнинг муҳим шартидир. Бинобарин, навқирон авлоднинг ҳуқуқий билими ва саводхонлигини ошириш, юз бераётган ҳодисаларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш учун мактабгача таълим муассасалари ва мактабларда фаол иш олиб бориш, болаларда маънавий-мафкуравий иммунитетни қарор топтириш давримизнинг муҳим масалаларидан бирига айланди, десак хато бўлмайди.**

Қайд этиш керакки, мактабларда Асосий қонунимиз асосларини ўргатувчи дарслар тизимли тарзда йўлга қўйилган. Аммо уларни ҳамма вақт ҳам юқори малакали мутахассислар олиб боришаяпти, дейиш қийин. Кўпинча бундай дарслар тарих фани ўқитувчиларига топширляпти. Фикримча, мазкур ўқув машғулотларига ҳуқуқшунослар, сиёсатшунослар, профессор-олимлар таклиф этилса, айни муддао бўларди. Зеро, улар ўқувчиларга Конституция ва бошқа қонунларга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида батафсил маълумотлар бериб, жонли мисолларга бой маърузалар ўқиб, турли саволларга аниқ ва мазмунли жавоблар қайтаришади. Мутахассисларнинг катта тажрибасига асосланган бундай дарслар ёшларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини яхшироқ англаши, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билимларини оширишга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклифларни илгари суришни маъқул топдим:

1. Ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаларида болаларга Конституциямиз, шунингдек, амалдаги меъёрий ҳужжатлар аҳамияти бўйича пухта билим бера оладиган мутахассисларни тайёрлашга эътибор қаратиш даркор.

2. Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг ўқув дастурларига махсус дарс соатлари киритиш ва уларга тажрибали ҳуқуқшунослар, адвокатлар, депутатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакилларини таклиф этиш амалиётини жорий қилиш керак.

Ушбу таклифларни рўёбга чиқариш учун уларни тегишли вазирлик ва идораларга юбориш ҳамда мутасаддилар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда таълимга оид айрим норматив ҳужжатларга ўзгартишлар киритиш зарур, деб ўйлайман.

Баён қилинган таклифларнинг жорий этилиши келажагимиз ворисларининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш, уларда ёт ғояларга нисбатан мустаҳкам иммунитетни шакллантириш, қонунбузарликнинг олдини олишда яхши самара беради, албатта.

**Муқаддас ЛУТФУЛЛАЕВА,**
**Тошкент шаҳридаги «URI-KOM» адвокатлик фирмаси БПТ аъзоси.**

# ТАҚҚОС ВА ТАҲЛИЛ

БУНЁДКОРЛИК МАНЗИЛЛАРИ

## ЯНГИ БЕРУНИЙ

**Истиқлол бутун халқимизнинг, шу жумладан, Қуйи Амударё воҳаси аҳлининг ҳам асрий армонларини рўёбга чиқарди. Қорақум ва Қизилқум саҳролари туташ жойдаги бу макон, яъни Буюк ипак йўлининг муҳим бир бекати йигирманчи асрга келиб қолоқ, йирик коммуникация тармоқларидан йироқ ҳудудга айланди**

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
«XXI asr»

Мисол учун, хонлар ва чор монархияси, шунингдек, шўролар замонида воҳага келган сайёҳларнинг Хивадан шаҳри Кот (ҳозирги Беруний)га ўтиши учун равон йўл ҳам, замонавий кўприк ҳам йўқ эди. Буюк Абу Райҳон Берунийнинг киндик қони томган тупроққа қутлуғ қадамини қўйишни Жавоҳарлаъл Нерудек атоқли зотлар ҳам орзу қилган. Ҳозир вазият тамоман ўзгача. Мустақил мамлакатимиз янги тарихи давомида ушбу воҳада қитъалараро магистрал автомобиль йўли, янги темир йўл артерияси, учта замонавий дарё кўприги барпо этилди. Қуйи Амударё воҳаси, Қорақалпоқ ва Хоразм диёри чин маънода қайта туғилди. Бу тўла маънода Беруний тумани ва унинг замонавий қиёфа касб этаётган марказига ҳам тааллуқлидир.

Мустақиллигимизнинг биринчи йилларидан эътиборан аллома элида учта муҳим устувор йўналишга алоҳида эътибор қаратилди. Биринчидан, мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Беруний туманида ҳам саноат салоҳияти ва аграр тармоқнинг самарадорлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаси, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун кенг йўл очилди. Иккинчидан, давлатимиз раҳбарининг Фанлар академияси фаоллари йиғилишидаги қимматли кўрсатмаларига кўра илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш юзасидан белгиланган тадбирлар доирасида 1995 йилдан бошлаб туман ҳудудидаги Ақчахонқалъа антик ёдгорлигида Австралия олимлари иштирокида археологик қазишмалар олиб борилди. Натижада қудратли Хоразм давлатининг Александр Македонский босқини арафасидаги пойтахти, подшо Фаразманнинг маҳобатли саройи, ноёб қадимий деворий суратлар галереяси топилди. Бу беқиёс ашёлар жаҳон археологияси тарихида янги саҳифалар очди.

Президентимиз Ислом Каримов фармонига асосан мазкур илмий гуруҳнинг фаол иштирокчиси, археолог Ғайратдин Хўжаниёзовга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилди. Айни кунда Ақчахонқалъадаги археологик тадқиқотлар қизғин давом эттирилмоқда. Милетлик Гекатей эрамиздан олти юз йил олдин Хоразм шаҳри деб таърифлаган ал-Фир қасри (Филқалъа) ва олти юз тўқсон йиллик пойтахт шаҳар — Кот қолдиқлари эса ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Биз қаламга олган мавзу билан боғлиқ учинчи жиҳат Марказий Осиёдан етишиб чиққан улуғ алломаларнинг нурли изларини топишдек савобли иш билан шуғулланаётган Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция фаолияти билан боғлиқдир. Кўпчиликка маълумки, 1997 йили Афғонистоннинг Ғазна шаҳридан буюк ватандошимиз Абу Райҳон Берунийнинг муқаддас хоки келтирилиб, туман марказининг файзли жойида, Аму соҳилидан кираверишда барпо этилган боғ ичидаги рамзий мақбарага қўйилган эди. Ҳозир бу ерда аллома ҳаёти ва илмий фаолияти билан боғлик тадқиқотлар маркази бунёд этилмоқда. Ал-Фир қасри ва шаҳри Кот қолдиқларини асраб қолиш чоралари кўрилмоқда. «Беруний авлодлари» жамоатчилик фонди ва унинг нашри «Тамаддун нури» журнали фаолият кўрсатаяпти.

Ҳукуматимизнинг изчил эътибори боис Қорақалпоғистоннинг ижтимоий қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгармоқда. «2013-2015 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури» доирасида 1644 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 81,2 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилди ва 6790 та янги иш ўрни яратилди. Бу борада биз тилган олган туманда ҳам кенг кўламли ишлар бажарилди. Айниқса, Нукус ва Беруний шаҳарларида амалга оширилаётган қурилиш, реконструкциялаш, инфратузилма ва муҳандислик-коммуникациясини янгилаш учун ажратилган маблағлар ўз самарасини бермоқда.



«...орасидан муносиб ворислар етишиб чиқса, не ажаб».

— 2015-2017 йилларда Беруний шаҳрида 347 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж, муҳандислик-коммуникация тизимини янгилаш ишлари амалга ошириладди, — дейди туман бош архитектори Каримбой Сабуров. — Жумладан, Кексаларни эъзозлаш йили якунигача жами 115 миллиард сўмлик иш бажарилиши режалаштирилган. Шаҳарнинг асосий кўчалари меъморий қиёфаси тубдан ўзгармоқда. Улар Андижондаги Ўзбекистон, Урганчдаги ал-Хоразмий кўчаларининг тимсолига айланади. Истиқлолнинг 24 йиллиги байрами арафасида шаҳримизда 1200 томошабинга мўлжалланган, лойиҳа-смета қиймати 1,9 миллиард сўм бўлган замонавий амфитеатр фойдаланишга топширилди. Унинг ёнида қиймати 3 миллиард сўмлик, яъни 60 китобхонга мўлжалланган бош ўқув зали, 4 та замонавий қироатхона, 100 минг нусха китоб жамғармаси бўладиган ахборот-ресурс маркази қад ростламоқда. 2015 йилги манзилли дастурга кўра, 58-сонли умумтаълим мактабида 505, 30-сонли умумтаълим мактабида 357, қишлоқ ва сув хўжалиги касб-ҳунар коллежида 934 миллион сўмлик капитал таъмирлаш ишлари бажарилди. Лойиҳа-смета қиймати 6,8 миллиард сўм бўлган, 48 ёш хонадонга мўлжалланган «Камолот уйи» фойдаланишга топширилди. Янги йилда замонавий ФДҲЁ, Ёшлар маркази бинолари, ёпиқ сузиш ҳавзаси, бошқа ўнлаб ижтимоий инфратузилма объектлари қурилиши тугалланади.

Бир сўз билан айтганда, томчида қуёш акс этганидек, мустақил мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларини Беруний тумани мисолида яққол кўриш мумкин. Балки шунинг учун ҳам кўпни кўрган нуронийлар, маҳаллий ёшуллилар «Янги Беруний» атамасини қўллашаётгандир. Дарвоқе, янги Берунийдаги замонавий шароитлардан баҳраманд бўлган навқирон авлод вакиллари орасидан янги Берунийлар етишиб чиқса, не ажаб.

## МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК — МИЛЛИЙ БИЗНЕС

**Сирдарё вилоятида миллий ҳунармандчилик анъаналарини давом эттираётган, унинг замонавийлик андозалари уйғунлашган сара намуналарини яратиш борасида изланаётган ишбилармон қизлар сафи кун сайин ортиб бормоқда. Гулистон санъат мактаби талабаси Севара Тўхтасинова ана шундай ёшлардан. У асрлар давомида сайқал топиб келаётган миллий анъаналаримиз ифодаланган ҳунармандчилик намуналарини яратиш бўйича тинмай изланиб, кўплаб фестиваль ва кўрик-танловларда иштирок этиб келаяпти.**
**Жумладан, «Ташаббус-2014» кўрик-танловининг вилоят босқичида «Энг ёш ҳунарманд» номинацияси бўйича ғолибликка эришди. «Юрт келажаги» кўрик-танловининг вилоят босқичида ҳам махсус диплом билан тақдирланди. Санъат мактаблари ўртасида ўтказиладиган «Ёш ижодкорлар» кўрик-танлови тобора оммалашмоқда. С.Тўхтасинова «Ташаббус-2015»да ҳам фаол қатнашиб, ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари, сертификатларини олди. Самарқандда ҳунармандлар ўртасида ўтказилган анжуманда ўз ижод намуналарини намойиш этди. Замонавийлик ва миллийлик руҳи акс этган портрет жанридаги асарлари иштирокчиларнинг эътирофига сазовор бўлди. O`zLiDeP аъзоси сифатида партиявий тадбирлар таъсирчанлигини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган Севара айни пайтда ижодий ишларининг энг сараларини танлаб, шахсий кўргазмасини ташкил этишга тайёргарлик кўраяпти.**
**— Бухоро ва Самарқанд ҳунармандчилигининг зардўзлик намуналари узоқ тарихга эга. Уларни синчиклаб ўрганиб, замонавий руҳ берган ҳолда портрет ва картиналар яратиш асосий мақсадимдир, — дейди Севара. — Орзуга айб йўқ, деганларидай халқ амалий санъатига қизиқувчи ёшларни атрофимга жамлаб, миллий ҳунармандчиликнинг Гулистон мактабини шакллантира олсак, не ажаб. Айни пайтда ўн нафар шогирдим бор. Юртбошимизнинг ёшларга қарата айтган «Эртанги кун, келажак сизники», деган даъватини ҳаётий шиор қилиб олган Сайёра албатта мақсадига етажак.**

Дилора ЭСОНОВА.

## «... ФАҚАТ ШУГИНА ЭМАС»

**O`zLiDeP Наманган вилоят кенгаши айни кунда ўз атрофига 15 015 нафар аъзони жипслаштирган. Шуларнинг 8 142 нафари фермер, тадбиркор ва ишбилармон инсонлардир**

**Аҳроржон МУСУРМОНОВ,**
«XXI asr»

Партия вилоят кенгаши бўлим мудири Илҳомжон Мирзаевнинг таъкидлашича, йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш, аҳолини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш масалаларига оид, шунингдек, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий мавзуларда 92 та ўқув-семинари, давра суҳбатлари ҳамда учрашувлар ўтказилган. Ушбу тадбирларда 4 397 кишининг иштироки таъминланган.

— Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан фермер ва тадбиркорларимиз томонидан партия тавсияси асосида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, нуронийлар ҳолидан ўз вақтида хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилаяпти. Фақат шугина эмас. Ҳудудларни ободонлаштириш учун электорат вакиллари ҳозиргача 42 486 000 сўм миқдорда ҳомийлик маблағи йўналтиришди, — дейди И.Мирзаев.

Бўлим саъй-ҳаракати билан ўтказилаётган «Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш — давр талаби», «Тадбиркорлик фаолияти: мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари», «Фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари», «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сервис хизматлари ва экспорт имкониятлари» мавзуидаги тадбирлар жойларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Уларда малакали мутахассислар иштирок этиб, тўпланганларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтараяптилар. Фуқаролардан келиб тушган 120 та мурожаат белгиланган тартибда ўрганиб чиқилди ва ижобий ҳал этилди. Бўлажак тадбиркорларга тегишли маслаҳат ва тавсиялар берилмоқда.

— Мен партиянинг «Мулкдор оила» лойиҳасида қатнашдим, — дейди янгиқўрғонлик Маҳбуба Тоғаева. — «Агробанк» туман бўлимидан 14 млн. сўм кредит олиб, 3 нафар хотин-қизни тикувчилик йўналиши бўйича иш билан таъминладим. Фаолиятимни йўлга қўйишда яқиндан ёрдам кўрсатгани учун O`zLiDeРдан миннатдорман.

Наманганлик Аҳмаджон Мамажонов, Жўрахон Раззоқов, норинлик Шалола Суярова, учқўрғонлик Шаҳноза Мадалиева, чустлик Миролим Ҳамидов ҳам айнан «Мулкдор оила» лойиҳаси шарофати билан ўз бизнесларини йўлга қўйдилар. Банк муассасалари билан самарали молиявий ҳамкорлик улар фаолиятини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Умуман, вилоят тижорат банклари томонидан йилнинг ўтган даври мобайнида тадбиркор ва фермерларга 92,7 млрд. сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Имтиёзли кредит соҳибларининг 40 фоизи айнан O`zLiDeP аъзоларидир. Натижада ҳудудларда минглаб янги иш ўринлари яратилди.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг қарори асосида ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларни молиявий қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг ўзида коллеж битирувчиларидан 3 858 нафари фермерлик ва тадбиркорлик фаолиятига жалб этилди. Мақсад — қишлоқ мулкдорлари сафини кенгайтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшишдир.

Таъкидлаш жоизки, вилоят тижорат банклари томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳозиргача 7,9 млрд. сўм кредит маблағлари йўналтирилди. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,3 баробарга кўп, демак. Бир сўз билан айтганда, вилоятда ёш тадбиркорлар сафи тобора кенгайиб боряпти. Натижада ишлаб чиқариш миқёслари ўсиб, аҳоли ўртасида бандлик даражаси ошмоқда. Бу борада O`zLiDeP фаолларининг ҳам салмоқли ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

## «Наримтекс» — энг яхши кичик бизнес субъекти

**Марғилонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Кўҳна шаҳарнинг бугунги довруғини дунёга таратаётган субъектлардан бири «Наримтекс» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасидир**

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

— Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори жойларда қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этмоқда, — дейди мазкур корхона раҳбари Наргизахон Аминова. — Буни ўз фаолиятимиз мисолида яққол кўриб турибмиз. Кейинги уч йил мобайнида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш мақсадида Италия, Япония, Германия ва Хитойдан замонавий бичиш-тўқиш, пардозлаш дастгоҳларини олиб келиб ўрнатдик. Бу эса юқори сифатли ва замонавий маҳсулотлар тайёрлаш имконини беряпти. Ҳозирда жамоамизда меҳнат қилаётган 80 нафардан зиёд ишчининг аксариятини аёллар ва коллежларни битирган қизлар ташкил этади. Энг муҳими, тайёрланган маҳсулотнинг 34 фоизи экспортга йўналтирилмоқда.

Мустақилликнинг 24 йиллиги муносабати билан «Бетакрорimсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» шиори остида ўтказилган вилоят кўрик-танловида ушбу корхона «Энг яхши кичик бизнес субъекти» номинацияси бўйича ғолиб топилганлиги ҳам бежиз эмас. Президентимиз Ислом Каримов Фарғона вилоятига сафари чоғида ушбу корхонага ташриф буюриб, амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди, жамоа фаолиятига юқори баҳо берди. «Наримтекс» ишчи-хизматчилари бундан руҳланиб, эзгу мақсадлар ижобати йўлида янада зўр ғайрат билан меҳнат қилишаётир.

## Янги бозор

**Ёзёвон тумани марказида янги, замонавий «Деҳқон бозори» фойдаланишга топширилди. Бу хайрли ишни Қува туманидаги «51-Автойўлқурилиштаъмир» масъулияти чекланган жамияти ҳамда Ёзёвондаги Темур Малик қурилиш корхонаси бунёдкорлари амалга оширдилар. Қурилиш учун 1 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Бозорда гўшт, сут, полиз, балиқ маҳсулотлари павильонлари, уруғчилик дўконлари, шунингдек, ҳўл ва қуруқ мева, нон ва нон маҳсулотлари сотишга мўлжалланган савдо шохобчалари мавжуд. Энг муҳими, янги бозорда элликка яқин кишининг бандлиги таъминланди.**

## Оила тинч — мамлакат барқарор

**Тинчлик — энг катта бойлик. Унинг қадр-қимматини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Осойишта юртнинг бағри бут, келажаги порлоқдир. Бу борада оилаларнинг ҳам алоҳида ўрни борлигини унутмаслик лозим. Зеро, миллатимизга хос бўлган эзгу урф-одат ва анъаналар, аввало, оила бағрида шаклланади**

**Дилноза НОМОЗОВА,**
«XXI asr»

O`zLiDeP Андижон вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан ташкил этилган навбатдаги давра суҳбатида ана шулар хусусида сўз юритилди.

Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) кенгашлари депутатлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинмаси, «Оила» илмий-амалий маркази вакиллари, тадбиркор ва фермер аёллар иштирок этган ушбу тадбирда хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, замонавий касб-ҳунарга ўргатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

O`zLiDeP Дастури ҳамда Сайловолди платформасида соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишда хусусий секторнинг улушини ошириш масаласига кенг ўрин ажратилганлиги бежиз эмас. Жорий йилда «Соғлом оила — мустаҳкам оила» лойиҳаси доирасида ташкил этилган 20 дан ортиқ тадбирда аёллар саломатлиги, оилалар мустаҳкамлиги, қизларни эрта турмушга узатиш ва қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари хусусида атрофлича фикр юритилиб, тегишли тавсиялар берилди. Чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган 3200 нафар хотин-қиз бепул тиббий кўрикдан ўтказилди.

— Бугун сафимизда фаолият юритаётган 13779 нафар партия аъзосининг 6010 нафарини хотин-қизлар ташкил этади, — дейди O`zLiDeP вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Хуршида Халилова. — Партия лойиҳалари хотин-қизларнинг турмуш маданиятини яхшилаш, уларнинг сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда. Айни кунда кўплаб ишбилармон опа-сингилларимиз турли соҳаларда меҳнат қилиб, жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшяптилар. Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-хотиржамлик уларнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшаётир.

Тадбирда O`zLiDeP вилоят кенгаши томонидан жойларда амалга оширилаётган ғоявий-тарбиявий ишлар хусусида атрофлича фикр юритилиб, тинчлик ва осойишталикни сақлаш учун барча бирдек масъул эканлиги таъкидланди. Шунингдек, ёшлар ва аёлларни турли диний оқимлар таъсиридан ҳимоялаш борасидаги тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш, жойларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш юзасидан муҳим фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.






# ИННОВАЦИОН СУҒУРТА МАРКАЗИ

Юртимизда иқтисодий барқарорликни таъминлаш, аҳолининг барча қатламларини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ушбу жараёнда суғурта хизматлари ҳам муҳим ўрин тутади. Шу боис ёшларнинг суғурта маданиятини шакллантириш, уларга суғурта афзалликларини кенг тушунтириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

«KAFOLAT sug`urta kompaniyasi» AJ Тошкент шаҳар филиали томонидан Тошкент молия институтида ўтказилган тадбирда шулар ҳақда сўз юритилди. Суғурта хизматлари сифатини ошириш ҳамда аҳолини суғуртавий ҳимоялаш доирасини кенгайтириш мақсадида «INNOVATSION SUG`URTA MARKAZI» ташкил этилгани маълум қилинди.

Марказ фаолиятининг асосий мақсади замонавий суғурта бозори учун истеъдодли, янгиликка интилувчан, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга қодир бўлган иқтидорли кадрларни тайёрлаш, уларнинг суғурта соҳасидаги сиёсий, маънавий-ахлоқий савияси ҳамда профессионал малакасини оширишдан иборатдир.

**Солижон ЗОИРОВ олган суратлар.**

## Ҳаммаси ўзимизники — Ўзбекистонники!

**2000 йилдан буён маҳаллийлаштириш дастури асосида мамлакатимизда 2 минг 500 та лойиҳа амалга оширилган. Иқтисодиёт вазирлигида ўтказилган матбуот анжуманида ушбу рақам алоҳида таъкидланди. Маҳаллийлаштириш – маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш захираларидан кенг фойдаланиш асосида замонавий, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, демакдир. Шу боис тайёр маҳсулот ва бутловчи қисмларни юртимизда ишлаб чиқариш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш юзасидан тизимли чора-тадбирлар қабул қилинаяпти ва изчил амалга оширилмоқда.**

**— Маҳаллийлаштириш дастурига кирган корхоналар ягона солиқ, мулк, фойда солиғи ҳамда божхона тўловларидан озод этилган бўлиб, улар тендерсиз маҳсулот сотиш имконига ҳам эга, — деди анжуманда вазирлик бўлим бошлиғи Феруз Раҳматов. — Шу боис маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар нархи импорт қилинган шу турдаги маҳсулотлардан сезиларли даражада арзон.**

**Таъкидлаш жоизки, импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналар сафини янада кенгайтириш мамлакатимизда яратилган қулай тадбиркорлик муҳити билан бевосита боғлиқлиги боис бозорларда «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» белгиси остидаги сифатли товарлар тобора кўпаймоқда. Уларнинг салмоқли қисми хусусий корхоналарда тайёрланаётир.**

**Таҳлилларга кўра, 2015-2019 йилларда бир қатор соҳаларда импорт маҳсулот салмоғи янада камаяди. Жумладан, геология, ёқилғи-энергетика, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноатида йилига ўртача 25,7 фоиз, машинасозлик, электротехника ва авиация саноати ҳамда маҳсулотларни стандартлаштириш комплексида 19,6 фоиз, қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва истеъмол товарларини қайта ишлаш комплексида – 36,2 фоиз, маданият, спорт, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя мажмуида 54,7 фоиз қисқартириш белгиланган. Анжуманда тайёр маҳсулот ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш соҳасидаги ижобий ўзгаришлар замонавий технологияга эга бўлган маҳаллий саноат корхоналари фаолияти жадаллашаётганида ўз аксини топаётгани таъкидланди. Бу эса чет элникидан қолишмайдиган, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш баробарида аҳолини иш билан таъминлаш, ҳудудлар инфратузилмасини яхшилаш баробарида нарх-навони сезиларли камайтиришга ҳам хизмат қилади.**

Фахриддин НУРАЛИЕВ.

## «Электрон ҳукумат» — электрон мурожаат

**Самарқандда «Электрон ҳукумат» тизими ва интерактив хизматларни жорий этиш истиқболлари, вилоятдаги давлат ва хўжалик бошқаруви органлари расмий веб-сайтларига қўйилган талаблар» мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди**

**Муҳаббат РАВШАНОВА,**
«XXI asr»

Унда таъкидланганидек, бугун мамлакатимизда замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жадал ривожлантиришга катта эҳтиёж сезилмоқда. Бу эса, аввало, соҳанинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни тақозо этади. Шу мақсадда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони ва бошқа қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Эндиликда улар мамлакатимизнинг техник тараққиёти ва янги истиқболларини белгилашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— «Электрон ҳукумат» ахборот технологиялари ва коммуникациялардан самарали фойдаланган ҳолда фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ҳокимликлар, шунингдек, мансабдор шахсларга мурожаат этиш ва аввалдан шаклланган давлат хизматларини кўрсатишни кўзда тутади, — дейди Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи Валижон Мухторов. — Ушбу лойиҳадан асосий мақсад ҳукуматнинг бошқарув ва маъмурий фаолиятида самарадорликни ошириш билан бирга тадбиркорлар учун қулай иш муҳитини яратишдан иборатдир. Айтиш мумкинки, «Электрон ҳукумат» доирасида ягона интерактив давлат хизматлари кўрсатиш портали, яъни www.my.gov.uz ташкил қилинган бўлиб, бу фойдаланувчиларга давлат органларига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имкониятини бериш билан бирга ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга хизмат қилмоқда. 2013 йилда ишга туширилган портал орқали мижозларга 250 та интерактив хизмат кўрсатилмоқда. Ўтган давр мобайнида 350 мингга яқин мурожаат келиб тушган. Уларга ҳозиржавоблик билан муносабатда бўлишда «Электрон ҳукумат» жуда қўл келади, албатта.

Тадбирда «Электрон ҳукумат»ни ривожлантириш бўйича жорий йилнинг олти ойида амалга оширилган ишлар хусусида батафсил фикр юритилди. Чунончи, тадбиркорлар солиқ ва статистика ҳисоботларини юз фоиз электрон тарзда тақдим этишаётгани эътиборга моликдир.

Вилоят ҳокимлигининг интернет тармоғидаги расмий веб-сайти (www.samarkand.uz) белгиланган талаблар асосида янгиланиб, 26 тадан ортиқ давлат хизматини кўрсатиш йўлга қўйилди. Айни кунда 12 та асосий интерактив давлат хизмати ягона интерактив давлат хизматлари порталига интеграция қилинган.

Соҳа учун кадрлар тайёрлаш ва улар малакасини ошириш хозирда ҳар қачонгидан катта аҳамият касб этмоқда. Кейинги пайтда давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мингдан ортиқ раҳбар-мутахассисларининг ахборот-коммуникация технологияларига оид билимлари оширилди. Ушбу жараён изчил давом эттирилмоқда.

ШУКРОНА

## Кўнгли хотиржам онаман

**Ҳар тонг фарзандларимни кўнгил хотиржамлиги билан мактабга жўнатаман-да, шаҳар четидан марказ томон йўл оламан. Кундан-кунга чирой очаётган шаҳрим — гуллар макони, яшариб-яшнаётган гўзал ошёним Гулистонимнинг бугунги қиёфасидан қалбим қувончга тўлади. Қишлоқ жойларда мустақиллик йилларида барпо этилган замонавий ва кўркам гузарлар, касб-ҳунар коллежлари, мактаб, боғча биноларини кўриб, кўзим яйрайди**

Шоҳиста БОЗОРБОЕВА

Бугун кўп тармоқли фермер хўжалигини бошқараётган, хорижий тилда бемалол сўзлашиб, ўз маҳсулотларини экспорт қилаётган ёшлар, соф даромад ҳисобига қурилган шинамгина маҳалла гузарида иссиққина кўк чой устида мириқиб гурунглашаётган кексаларни кузатганмисиз? Шундоққина уй ёнида жойлашган гўзаллик масканида сочларини чиройли турмаклаб, тўйга шошаётган хотин-қизларимиз, замонавий дастгоҳларни эмин-эркин бошқараётган йигит-қизларимиз, юрт байроғини жаҳон ареналарида юксакка кўтариб, «Келажаги буюк юрт фарзандларимиз», дея ҳайқираётган ёшларимизни кўрганда «Ким эдигу ким бўлдик?», дея шукроналар айтаман.

Телефон қўнғироқлари тинмайди. Тадбиркор Улугбек уч минг хотин-қиз учун енгил кийимлар ишлаб чиқарувчи фабрикани ишга туширибди, Гулчеҳра туман марказида клиника очиб, маҳаллий йигит-қизларни ишга жойлаштирибди. Бир қарич ер билан фермерликни бошлаган Баҳодир эндиликда кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари. Ҳамманинг кўзини қувнатиб, Президент совриНи — «Спарк»да юрган фермер 3 минг қорамол боқиладиган замонавий чорва комплекси қурилишини ҳам бошлаб юборибди.

Замонавий ўзбек «Нексия»сини чапдастлик билан бошқараётган Дилфуза фермер даласидаги пахтанинг 70 фоизини машинада термоқда. Дугонам Лоланинг ўғли университетни битириб, хорижда магистратурани давом эттирмоқда. Мустақиллик куни етти ёшга тўлган жажжи қизалоғим бийрон-бийрон тиллари билан чет тилида она-Ватан, юрт ҳақида шеърлар ўқиганини кўриб, «Кимлигимизни кўриб қўйинг», дейман ғурур билан.

Юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги, миллатлар ҳамжиҳатлиги, фарзандларимиз бахтли келажаги учун қайғурадиган Юртбошиси бор элнинг фуқароси, қадри баланд аёли ва кўнгли хотиржам онаси эканлигимдан шукроналик ҳиссини туяман.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

# СИФАТ — МАҲСУЛОТ КЎЗГУСИ

**Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, ички бозор барқарорлигини таъминлаш айни кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади**

**Зиёдулла МЎМИНОВ,**
«XXI asr»

Сўнгги йилларда озиқ-овқат маҳсулотларининг қарийб 96 фоизи юртимизда фаолият кўрсатаётган маҳаллий ва қўшма корхоналар, кўп тармоқли фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилаётгани эътиборга моликдир. Далилларга мурожаат қиладиган бўлсак, дунё тажрибасида ғоят қисқа муддат ичида ўз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла таъминлаш билан бирга уларни экспортга йўналтиришга эриша олган давлатлар камдан-кам топилади. Мамлакатимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити, солиқ, божхона соҳасидаги имтиёзлар маҳсулот экспорти ҳажмини йилдан-йилга ошириш имконини бермоқда. Айниқса, ҳукуматимиз қарорига асосан корхоналарда Халқаро ISO: 9001 — сифатни бошқариш тизимлари жорий этилганлиги тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг харидоргирлигини таъминлаяпти. Табиийки, ушбу жараёнларни самарали йўлга қўйиш учун «Ўзстандарт» агентлиги ва унинг ҳудудий идоралари қатъият билан иш олиб бормоқда.

Бугунги кунда Қўқонда 1650 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг аксарияти маҳсулот тайёрлаш, қайта ишлаш ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатишга ихтисослашган. Сўнгги йилларда кичик бизнесни ривожлантириш ҳисобига ҳудудда маҳсулот ишлаб чиқариш салмоғи билан бирга турлари ҳам кўпаймоқда. Саноат, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, қурилиш материаллари тайёрлашга ихтисослашган корхоналарда бугун минг-минглаб кишилар меҳнат қилишаяпти. Маҳсулот ишлаб чиқариш салмоғининг ортиши жойлардаги синов ва сертификатлаштириш марказлари ва уларнинг ҳудудий марказлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди, албатта. Чунки тайёрланаётган, экспорт ва импорт қилинаётган товарларнинг сифати учун айнан ушбу идора мутахассислари жавобгардир.

— Президентимизнинг 2012 йил 26 мартдаги «Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарда доимий мониторинг ўтказилиб, сифатни бошқариш тизими такомиллаштирилмоқда, — дейди марказ директори Маъруфжон Азимов. — Бугунги кунда 58 та корхонада юқоридаги қарор ижросини таъминлаш мақсадида ISO: 9001, яъни халқаро сифатни бошқариш тизими жорий этилди ва тўлиқ сертификатлаштирилди. Натижада бир қатор корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, миқдори кўпайиб, ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлиги ошганлиги кузатилмоқда. Энг муҳими, ушбу жараёнда касб-ҳунар коллежларини тугатган ёшлар учун қўшимча иш ўринлари яратишга эришилди. «Baraka Fayz Impeks Tekstil» МЧЖ ана шундай истиқболли корхоналардан биридир. Агар илгари бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозирга келиб уларнинг сони саккизтага етказилди. Уларни асосан узоқ ва яқин хориж мамлакатларига экспорт қилиш режалаштирилган. Худди шунингдек, Данғара туманидаги «ИМКОН» хусусий савдо-ишлаб чиқариш корхонасида ҳам импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар тайёрланаяпти. 2013 йили корхонада сифатни бошқариш тизими жорий этилгач, биринчидан, ишга муносабат ўзгарди, иккинчидан, сифат ва самарадорлик янада ортди.

Бу каби тадбирлардан мақсад сифатни бошқариш тизимини такомиллаштириш, ички бозорда импорт маҳсулотлар салмоғини йилдан-йилга камайтиришга эришишдир. Истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида саломатлик учун безарар бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларнинг қонун доирасида сотилишини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида ҳудудда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлардан 611 та мурожаат келиб тушган. Шу асосда 1015 та мувофиқлик сертификати расмийлаштирилди.

Энг асосийси, «Ўзстандарт» агентлиги, Республика синов ва сертификатлаштириш маркази, Қўқон шаҳар ҳокимлигининг ёрдами билан ишга туширилган марказнинг янги биноси замонавий синов ва ўлчов анжомлари билан жиҳозланди. Натижада маҳсулотларни синовдан ўтказиш муддати бирмунча қисқарди, янги хизмат турларини таклиф этиш имконияти яратилди. Булардан мақсад, аввало, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар учун қулайлик яратиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, маҳсулотларнинг талаб даражасида ва юқори сифатли бўлишини таъминлашдан иборатдир.

*Хизматлар лицензияланган.*

РЕКЛАМА ЎРНИДА

## Экспортга лаёқатли субъектлар кўпаймоқда

**Экспорт қилувчи корхоналарнинг мунтазам қўллаб-қувватланаётганлиги, уларнинг барқарор ишлаши учун кенг имкониятлар яратилаётганлиги мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада ишбилармонларга Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси яқиндан ёрдам кўрсатмоқда**

**Фахриддин НУРАЛИЕВ,**
«XXI asr»

Жамғарма томонидан биргина 2015 йилнинг ўтган ойларида 1782 та тадбиркорлик субъектига маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишда ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий хизматлар кўрсатилиши натижасида 523 тадбиркор жами 1 млрд. 962 миллион долларлик шартнома имзолаб, умумий қиймати 981,9 млн. долларга тенг маҳсулот ва хизматларни экспорт қилди. Бу кўрсаткичлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан икки ҳисса кўп бўлиб, жамғарма кўмагида амалга оширилган экспорт ҳажми 45 фоизга ўсганлигини англатади.

Мазкур жамғарманинг Сурхондарё филиали томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам таҳсинга лойиқ. Мутасаддилар маҳаллий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни хорижга йўналтириш, тижорат таклифларини чет эллик ҳамкорларга етказиш орқали харидорларни излаш, экспорт қилувчиларни эҳтимолли хавф-хатардан ҳимоя қилиш, бошқа мамлакатлар қонунчилиги бўйича талаб этиладиган зарур лицензия ва сертификатлар олишда ҳуқуқий-ташкилий ёрдам кўрсатиб келишмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида жамғарма филиали томонидан 100 га яқин тадбиркорлик субъектига ўз товар ва хизматларини ташқи бозорларга чиқариш бўйича ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатилди. Ушбу амалий ишлар натижасида 20 та тадбиркорлик субъекти жами 50 миллион АҚШ долларига яқин маҳсулотни экспорт қилишга эришди.

2015 ЙИЛНИНГ ЎТГАН ОЙЛАРИДА 1782 ТА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИГА МАҲСУЛОТ ВА ХИЗМАТЛАРНИ ЭКСПОРТ ҚИЛИШДА ТАШКИЛИЙ, ҲУҚУҚИЙ ВА МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИЛИШИ НАТИЖАСИДА 523 ТАДБИРКОР ЖАМИ 1 МЛРД. 962 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК ШАРТНОМА ИМЗОЛАБ, УМУМИЙ ҚИЙМАТИ 981,9 МЛН. ДОЛЛАРГА ТЕНГ МАҲСУЛОТ ВА ХИЗМАТЛАРНИ ЭКСПОРТ ҚИЛДИ.

Июль-сентябрь ойларида вилоятдаги 100 га яқин тадбиркорлик субъекти билан олиб борилган амалий ҳамкорлик натижасида уларни бевосита экспортга жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, жамғарма томонидан ўтказилган маркетинг ишлари туфайли «Qumqo`rgon oziq-ovqat mollari bazasi» DUK корхонасига Россиядан ҳамкорлар топилиши натижасида 20 минг АҚШ долларига яқин маҳсулот экспорт қилишга эришилди. Бундан ташқари «Abdurasul Sadoqat» агрофирмаси ҳам ушбу хорижий ҳамкорларга 30 минг АҚШ долларига яқин қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилди.

— Мамлакатимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити натижасида ўз маҳсулотларимизни экспорт қилишга эришаяпмиз, — дейди «Abdurasul Sadoqat» агрофирмаси раҳбари А. Шарапов. — Жамғарма кўмагида бугунги кунда юртимизнинг жанубий сарҳадларида ҳам экспортбоп товарлар ишлаб чиқарилаётганлиги қувонарлидир.

*Хизматлар лицензияланган.*

# СЎНГГИ САҲИФА

ҲАММА ЎҚИШИ ШАРТ ЭМАС...

## ТАМАКИ КУЛИНИНГ «ХИРМОН»И

**Инсоннинг табиати ғалати. Ҳамиша тақиқланган нарсага қизиқаверади. Чекишнинг нечоғлик ёмон иллат эканлиги ҳатто ёш болага ҳам яхши маълум. Бу хусусда жуда кўп гапирилади, ёзилади, огоҳлантирилади. Лекин...**

**Севара АЗИМОВА.,**
«XXI asr»

Кашандаликка қарши кураш бугунги кунда дунёнинг энг долзарб муаммоларидан бирига айланган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳозир Ер юзи аҳолисининг олтидан бир қисми муттасил чекади. Энг ачинарлиси, ҳар ўн нафарининг бири тамакининг таъсири оқибатида ҳаётдан эрта кўз юммоқда.

Эҳтимол, Американи ўзи билмаган ҳолда кашф этиб қўйган Христофор Колумб 1492 йилда Тобаго оролида яшовчи ҳиндулар чекимлиги билан қизиқиб қолмаганда (табак – тамаки сўзи ҳам шу орол номидан келиб чиққан), уни Европага ўзи билан олиб кетмаганда, бугун олам аҳли кашандалик балосидан изтироб чекмаётган бўлармиди?

Расмий маълумотларга кўра, бир кунда дунё бўйича 8-10 миллиард дона сигарета чекилади. Бу рақам салмоғини чамалаб кўриш учун олти қаватли иморатни кўз олдингизга келтиринг. Бани башар бир кунда чеккан тамакининг кулидан ҳосил бўлган «хирмон» ана шу бино билан баб-баравар бўларкан.

Чекиш инсон саломатлигига қанчалик зиён етказиши, қандай касалликларга олиб келиши, тамаки тутуни фақат кашанданинг ўзига эмас, балки атрофдагилар учун ҳам кони зарар эканини ҳаммамиз биламиз. Бир грамм никотин отни ўлдиришини ҳам эшитганмиз. Бир дона сигарета таркибида икки миллиграмм атрофида никотин бўлишини назарда тутсак, кунига, дейлик, ўн донадан чекадиган киши йил давомида еттита отни «тинчитиши» мумкин бўлган миқдордаги заҳри қотилни «ҳазм» қилади.

Мутахассислар фикрича, бир дона сигарета инсон умрини ўн икки дақиқага қисқартираркан. Ўн дона сигарета эса икки соат умрни эговлайди. Шу тариқа бир йилда умримизнинг ўн уч ойини (!) яшаб қўярканмиз.

Дарвоқе, чекиш нафақат соғлиққа, балки чўнтакка ҳам жиддийгина зиён келтиради. Икки кунда бир қути сигарета тутатсангиз, бир йилда бир юзи саксон қутисини кўрдим демайсиз. Буни пулга чақиб кўрсак, ҳаммаси ойдинлашади.

Афсуски, юртимизда кашандаларнинг умумий сони йилига етти фоиздан ошиб бормоқда. Чекиш туфайли келиб чиққан касалликлар оқибатида ҳар йили ўттиз мингдан ортиқ киши ҳаёт билан видолашаётгани ҳеч кимни бефарқ қолдирмаса керак.

Албатта, бу иллатга қарши кураш дунё афкор оммасининг диққат марказида турибди. 2002 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа ҳудудий қўмитаси томонидан кашандаликка қарши кураш стратегияси жорий этилган бўлса, 2003 йилда Тамакига қарши халқаро конвенция қабул қилинди.

Таниқли инглиз драматурги Бернард Шоу айтган экан: «Чекишни ташлашдан осони йўқ. Чунки мен шу пайтгача чекишни юзлаб маротаба ташлаб кўрганман». Бу фикрга унчалик қўшилиб бўлмайди. Ҳаммаси инсон иродасига боғлиқ. Халқимиз таъбири билан айтганда, нон ва сувдан бўлак ҳамма нарсани ташласа бўлади. Нима дедингиз?

### «BMW» биоёнилғидан қувват олмоқчи...

**Хабарларга қараганда, BMW компаниясининг Жанубий Африкадаги бўлинмаси машиналар учун талаб этиладиган қувватнинг бир қисмини сигирлар гўнгини қайта ишлашдан ҳосил қилинадиган энергия орқали олишга киришади. Немис автоишлаб чиқарувчиси маҳаллий Bio2Watt компанияси билан 10 йиллик шартнома тузди. Унга кўра, заводдан 80 километр узоқликда жойлашган биогаз фабрикасидан 4,4 мегаватт электр энергияси сотиб олинади. Натижада Bio2Watt BMW компанияси сарфлайдиган энергиянинг 25-30 фоизини қоплайди. Эслатиб ўтамиз: Жанубий Африкадаги «BMW» заводи 1973 йилда ишга туширилган бўлиб, у Германиянинг хориждаги илк автокорхонаси ҳисобланади. Айни пайтда бу ерда ҳар йили 60 минг дона 3-Series седанлари ишлаб чиқарилади.**

Мусурмон РЎЗИЕВ.

## Ҳоким калитни болаларга топширди

**Тошлоқ туманида «Баркамол авлод болалар маркази»нинг 150 ўринли янги, замонавий биноси фойдаланишга топширилди. Уни «Фарғона қурилиш бунёдкор» МЧЖ мутахассислари барпо этишди. Бунинг учун 1 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.**

**Туман ҳокими Х.Умаров бинонинг рамзий калитини болаларга топширар экан, ушбу масканда илф-фан, касб-ҳунар сирларини пухта ўрганиш учун барча шарт-шароит яратилганлигини таъкидлади.**

**Эндиликда бу ерда ўлкашунослик, бадиий ижодиёт, экология, компьютер саводхонлиги, дурадгорлик, тикувчилик, тасвирий санъат, бадиий ҳаваскорликка оид 30 га яқин тўгарак ишлаб турибди. Малакали мураббийлар ёшларнинг ижодий имкониятларини рўёбга чиқариш, уларга пухта таълим-тарбия бериш учун куч-ғайратларини аямаяптилар.**

## «Марташ»нинг буюртмачилари бор

**Мамлакатимизда кичик бизнес субъектлари жадал ривожланиб, иқтисодиётимиз таянчига айланмоқда. Бунинг исботини ҳар қадамда кўриш мумкин. Хусусан, Тошлоқ туманидаги «Марташ спецодежда» масъулияти чекланган жамиятида модернизациялаш тадбирлари амалга оширилгач, унинг фаолият доираси янада кенгайди. Ҳозирги кунда бу ерда маҳаллий хом ашёдан сифати барча талабларга жавоб берадиган юздан ортиқ турдаги тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилаяпти. Жамоа чеварлари қўлида жило топган махсус устки кийимлар, турли об-ҳаво шароитига мос иш либослари, чойшаб ва халатлар ўз харидорларига эга, десак, хато қилмаймиз.**

**Замонавий тикув ускуналари нафақат маҳсулот ҳажмини ошириш, балки унинг турини кўпайтириш имконини бераяпти. Эътиборлиси, корхонада 65 кишининг бандлиги таъминланган. Тайёр маҳсулотнинг асосий қисми шартнома асосида «Ўзбекистон темир йўллари» ва «Оҳангаронцемент» акциядорлик компаниялари, «Кварц», «Қувасойцемент» корхоналарига етказиб берилмоқда.**

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.

РЕКЛАМА

**«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИНИНГ «РЕСПУБЛИКА СИНОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ АГЕНТЛИК БИНОСИНИНГ АСОСИЙ КИРИШ ҚИСМИНИ КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Буюртмачининг бошланғич нархи: 77 674, 906 минг сўм ҚҚСсиз.
Буюртмачи — «Ўзстандарт» агентлиги «Республика синов ва сертификатлаштириш макази» давлат корхонаси.
Танловда қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган пудратчи ташкилотлар қатнашишлари мумкин.
Танловда иштирок этмоқчи бўлган номзодлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари даркор:
Танловда кўрсатилган нархнинг камида 20 фоизини ташкил этадиган пул айланмасига ёхуд банк кафолатига эга бўлишлари;
ишлаб чиқариш базасига;
меҳнат ресурслари ва мутахассисларга;
танловда кўрсатилган объектларда ишлаш тажрибасига;
фуқаролик ҳуқуқий лаёқати ва тегишли ваколатга эга бўлишлари лозим.
Буюртмачи сўров жўнатган тақдирда номзодлар ворислик ҳужжатларини тақдим этишлари керак.
Локал ресурс сметаси, танловда иштирок этиш шартларининг электрон шаклидаги нусхаси ҳамда қўшимча маълумотларни «Республика синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонасидан олиш мумкин.
Ҳужжатлар 2015 йилнинг 15 ноябрига қадар Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 333-«А» уйда қабул қилинади.
Телефонларимиз: 150-63-53, 150-19-18, факс: 150-19-16.

*Хизматлар лицензияланган.*

## Ғам юракни афгор, пешонани «шудгор» қилади

**Донолар бу гапни бекорга айтишмаган. Инсоннинг бирор жойи оғримаса-да, уни доимо қийнаб турадиган муаммоси бўлади. Аслида мана шунинг ўзи ҳам бир дард. Ҳозирги вақтда ҳар бир хонадоннинг дастурхони тўкин, кийим-кечаклари мўл, ҳар қадамда тайёр овқатлару ширинликлар, дорихоналар бисёр**

Хуллас, инсоннинг бекаму кўст яшаши учун ҳамма нарса муҳайё. Шундай бўлса ҳам турли касалликлар кўпайиб бормоқда. Айниқса, асаб, юрак-қон томир хасталиклари, қандли диабет ва бронхиал астма сингари дардлар тобора хуруж қилмоқда. Хўш, буларга сабаб нима?

«Руҳни соғайтирмасдан танани даволаб бўлмайди», деган экан Суқрот. Демак, атрофдагиларнинг саломатлигимизга кўрсатаётган таъсири ҳақида жиддий ўйлашимиз лозим. Яъни ақл билан иш тутиш муҳим. Ўзаро муносабатларда меъёрдан чиқмасак, ҳам руҳга, ҳам танага мадад берамиз. Натижа эса аъло бўлади. Шундан сўнг еган ҳар луқмамиз танамизга яхши сингади, тиниқиб ухлаймиз, илҳом билан ижод қиламиз.

Таниқли саркарда кунлардан бирида суҳбатдошига шундай дейди: «Дунёда иккита ҳукмрон куч бор: ақл ва қилич. Лекин ҳар қайси даврда ҳам ақл ўзининг ўткирлиги билан қиличдан устун турган. Ғалаба фақат ақлга хосдир!»

Дарҳақиқат, ақл вужудимизнинг назоратчиси ҳисобланади. Биз ҳар лаҳзада унинг кучини ҳис этиб турамиз. Масалан, ёлғони фош бўлишидан қўрқаётган кишининг қўллари, тиззалари қалтирайди, ранги оқаради.

Кейинги йилларда «психосоматика» деган атама пайдо бўлди. Бу атама касалликнинг фақат танага оидлигини эмас, балки руҳиятга ҳам боғлиқ бўлишини билдиради. Айтмоқчимизки,турли хил дардлар билан беморнинг табиати, яъни хулқ-атвори ўртасида бевосита алоқадорлик бор. Шу хусусда мутахассисларнинг фикри қандай?

Дилмурод БОЗОРОВ, психолог:

— Баъзи олимлар оғир касалликлар одамнинг хулқ-атворига таъсир қилади, дейишса, бошқалари эса, аксинча, одамнинг ўзи у ёки бу касалликнинг келиб чиқишига сабабчи бўлишини таъкидлашади. Атрофдагиларга муносабати самимий, меҳр-оқибатли, ширинсўз одамлар камроқ дард чекади, агар касал бўлса ҳам тез тузалиб кетади.

Қадимги табиблар ҳам руҳни алоҳида, танани алоҳида даволашган. Инсоннинг шу касалликни келиб чиқишига сабаб бўлган руҳиятидаги ўзгаришларига жиддий аҳамият беришган.

Кўзимизда турли муаммолар пайдо бўлиши умидсизликдан далолат беради. Узоқдаги нарсани яхши кўрмаслик — эртаги кун ҳақида кўп ташвиш чекиш, касал бўлиб қоламан, деб ваҳима қилиш натижасида пайдо бўлади. Яқиндаги нарсани яхши кўрмаслик эса ақл-ирода заифлигидан нишона.

Сурункали отит — кундалик ташвишлардан, кўпчиликдан ўзини олиб қочиш истаги натижасида пайдо бўлади. Бундай одамга бировлар ноҳақлик, адолатсизлик қилаётгандек бўлиб туюлади, уларнинг гап-сўзларини эшитмасликка ҳаракат қилади.

Томоқ оғриши — атрофдаги одамлар билан, айниқса, яқинлар билан ёмон муносабатда бўлишдан «огоҳлантиради». Демак, уларга меҳр-оқибатли, ғамхўр, ширинсўз бўлишимиз керак. Шунда ларингит ва фарингитларга дучор бўлмаймиз.

Юрак касалликлари — муҳаббатдан йироқ, меҳр-оқибатсиз, ўзига бино қўядиган, ман-манликка берилган, бировларга меҳр кўрсатмайдиган тошбағир одамларда пайдо бўлади. Бундайлар ўзини яхши кўрсатишга уринса-да, аслида ҳеч кимни ёқтирмайди.

Меъда-ичак касалликлари — кеккайган, бировларни камситадиган, бошқалар бахтини кўролмайдиган, тили заҳар одамларда пайдо бўлади. Улар асабийлашиб, пала-партиш овқатланишади. Сиқилиб-эзилиб, оқибатда гастрит ортирриб олишади. Чунки меъда ёмон туйғулардан жуда тез таъсирланади.

Мигрень — кўп ишлайдиган, виждонли, хато ва камчиликлар, ёмон хулқларга чидаёлмайдиган одамларнинг касаллиги.

Юқорида айтиб ўтилганлар ҳаммаси нисбий, албатта. Лекин улар ҳақида яхшилаб ўйлаб кўринг. Қандай ҳаёт кечираётганингиз, хулқингиз, яқинларингиз, оилангизга муносабатни назорат қилинг ва таҳлил этинг, хулоса чиқаринг.





### Таймазов спортчилик фаолиятини якунлади

**Эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси тарихида энг кўп унвон олган спортчи, уч карра Олимпия чемпиони, бир марта кумуш медаль совриндори Артур Таймазов ўзининг спортчилик фаолиятини якунлашини маълум қилди. Донгдор полвонимиз Олимпия медалларидан ташқари икки марта жаҳон чемпиони, 2 марта Осиё чемпиони, 3 марта Осиё ўйинлари чемпиони бўлган. 2012 йилда «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланган.**

### Таэквондочиларимиз муваффақияти

**Таэквондо (WTF) бўйича Ўзбекистон катталар ва ёшлар терма жамоалари аъзолари Қозоғистон очиқ чемпионатида еттита олтин, тўрттадан кумуш ва бронза медални қўлга киритдилар. Вазни 80 килограммгача бўлган спортчилар ўртасида Максим Рафалович қозоғистонлик Тилеген Дарбаев, Раҳим Одилхонов, тожикистонлик Фарҳод Неъматов ва мексикалик Рене Лизаррагани енгиб, олтин медаль билан тақдирланган бўлса, 87 килограммгача вазнда Жасур Бойқўзиев қозоғистонлик Исмоил Дуйсебой ва эронлик Ҳомид Ҳомидийни мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.**
**Жаҳон чемпиони Дмитрий Шокин 87 килограммдан оғир вазндаги спортчилар ўртасида тенгсиз эканини яна бир бор исботлади. Қувонарлиси, у олтин медаль билан бирга 2016 йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган XXXI ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмаси учун зарур бўладиган навбатдаги 10 рейтинг очкосини ҳам қўлга киритди.**

Фахриддин НУРАЛИЕВ.




**СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДАМИЗ!**

**«Қашқадарё синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчиларга рақобатбардош, дунё стандарти талабларига тўла жавоб берадиган ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ҳажмини кўпайтиришда тадбиркорлар, фермер хўжаликларига доимо ҳамкордир.**

Қадрли тадбиркорлар!

Корхонангизда ишлаб чиқарилаётган ёки импорт маҳсулотларга мувофиқлик сертификати олмоқчи бўлсангиз, марказимиз мутахассисларига мурожаат қилишингиз мумкин. Бу борада мутахассисларимиз Сизларга доимо кўмак беришади.

Корхонангизда Халқаро ISO: 9001 – «Сифатни бошқариш тизими»ни жорий этмоқчимисиз? Бу борада марказимизнинг малакали мутахассислари, эксперт-аудиторлари Сизга яқин маслаҳатгўй ва ёрдамчи бўладилар.

Корхонангиз ёки хонадонингизда мавжуд бўлган ўлчов воситаларини давлат қиёсловидан ўтказиш учун ҳам мутахассисларимизга мурожаат қилишингиз мумкин.

Муҳтарам тадбиркорлар, азиз истеъмолчилар!

Сиз «Қашқадарё синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонасининг (0 375) 221-09-44 рақамли «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилиб, ўзингизни қизиқтирган саволлар ёки айрим муаммолар юзасидан мурожаат қилсангиз, улар мутахассисларимиз назаридан четда қолмайди. Чунки биз Сизнинг хизматингиздамиз!

Манзил: Қарши шаҳри, Хўжабоғ кўчаси, 6-уй.
Телефон: (0 375) 221-16-70, 221-08-93, факс: (0 371) 150-80-61.
e-mail: kashkadcert@uznet.net

**«Қашқадарё синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси.**

*Хизматлар лицензияланган.*

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

**БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ:** Озод РАЖАБОВ.
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.
**ТЕЛЕФОНЛАР:** Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
**ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** XXI_ASR@mail.ru

**«XXI ASR»** ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Буюртма рақами: S 4322 Тираж: 8332
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди — 20:00

**Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.**
**©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.**
**Реклама материалларига таҳририят жавобгар эмас.**
**Газета таҳририятда терилди ҳамда дизайнер Маркс Юсупов томонидан саҳифаланди.**

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**

ISSN 2181-497X

Навбатчилар:
Н.ТОШЕВ, А.МУЗАФФАРОВ.